

Жамоатчилик Асосидаги Реабилитация (ЖАР) бўйича йўриқнома

ЖАР жадвали



Ижтимоий компоненти

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан 2010 йилда Community-based rehabilitation: CBR guidelines номи билан нашр этилди.

© Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, 2010

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг бош директори Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонасига Ўзбек тилига таржима қилиш ва нашрдан чиқариш ҳуқуқини тақдим этди. Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳужжатнинг Ўзбек тилидаги шакли учун масъул ҳисобланади.



© Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (JICA), 2014

Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (JICA) ҳомийлигида таржима қилинди ва нашр этилди.

Жамоатчилик асосидаги реабилитация (ЖАР) бўйича йўриқнома

ИЖТИМОЙ КОМПОНЕНТ

Мундарижа:

Муқаддима	1
Шахсий ёрдам	7
Муносабатлар, никоҳ ва оила	17
Маданият ва санъат	25
Дам олиш, бўш вақт ва спорт тадбирлари	33
Адолат	41

Муқаддима

Ўз оиласи ва жамоатчиликнинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиш инсоннинг шахсий такомил учун катта аҳамиятга эга. Ижтимоий фаолиятларда қатнашиш имконияти, одамнинг ўзини англаши, қадрлаши, турмуш фаровонлиги ва пировардида ижтимоий мавқеига жиддий таъсир кўрсатади. Имконияти чекланган шахс(ИЧШ)лар жамиятда кўплаб тўсиқларга дуч келиши сабабли уларда жамият ҳаётида қатнашиш имкониятлари анча кам.

Ўтмишда кўплаб жамоатчилик асосидаги реабилитация (ЖАР) дастурлари саломатлик ва реабилитация масалаларига урғу бериб, ИЧШларнинг ижтимоий эҳтиёжларини эътиборсиз қолдирарди. Ҳатто бугунги кунда ҳам муносабатлар, турмуш ва ота-оналик каби масалалар муҳокамаси ниҳоятда нозик ва мураккаб туюлиши, маданият, спорт ва дам олиш ҳамда адолатга эришиш борасидаги имкониятларга ҳожат йўқ деган фикр мавжуд бўлиши мумкин. Мазкур компонентда ушбу масалаларнинг ИЧШлар ҳаётидаги аҳамияти ва шу боис ЖАР дастурларини уларни муҳокама қилиш заруриятига урғу берилади.

Мақсад

ИЧШларни ўз оиласи ва жамиятда ўзига яраша ижтимоий мавқе ва мажбуриятларга эга бўлиши, бошқалар уларга жамиятнинг тенг аъзосидек муомала қилиши.

ЖАРнинг вазифаси

ЖАРнинг вазифаси шундан иборатки, у ИЧШларнинг ўз оиласи ва жамият ҳаётида тўлиқ иштирок этишини таъминлаш учун барча манфаатдор томонлар билан биргаликда иш олиб боради. ЖАР дастурлари, ИЧШларга нисбатан эътиборсизлик ва камситилишга қарши курашиб, ижтимоий имкониятлардан фойдаланиш ва ижобий ўзгаришларни амалга оширишда кўмаклашади.

Кутиладиган натижалар

- ИЧШларни ўз оиласи ва жамоасининг қадрли аъзоси, турли ижтимоий роль ва мажбуриятларга эга бўлиши;
- ИЧШлар ва уларнинг оилаларини малакаси ҳамда ресурсларини жамоатчилик тараққиётига ҳисса бўлиб қўшилишига рағбатлантирилиши;
- жамоатчиликни ИЧШларга жамоатнинг тенг ҳуқуқли аъзосидек қараб, уларни жамият ишига ижобий ҳисса қўша олишини тушуниб етишлари;
- ИЧШлар ва уларнинг оилаларини ижтимоий фаолиятларда қатнашишларига тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф этилиши;
- маҳаллий ҳокимият расмийларини ИЧШлар ва уларнинг оилалари талабларига жавоб бериши ҳамда самарали ижтимоий кўмак ва талаб қилинган хизматлар билан таъминлаши.

Бутун жамоат ёрдамани таъминлаш

Пина Палмера Мексиканинг Оахака вилоятида фаолият юритувчи нодавлат ташкилотдир. Пина Палмера 1989 йилда ЖАР дастурини бошлаган ва бугунги кунда эса етти жамоатда ИЧШлар ҳамда уларнинг оилаларини кундалик эҳтиёжларини қондириш устида ишлайди. Ташкилот маҳаллий ҳокимият, ўқитувчилар, жамоа транспорти операторлари ва маҳаллий соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари билан биргаликда тўсиқларни бартараф этиб, ИЧШларни жамоат ҳаётига жалб этишга ҳаракат қилиб келаётир.

Пина Палмера ЖАРнинг Ижтимоий компоненти элементларини акс эттирувчи турли фаолиятларни амалга оширади. ИЧШлар, хусусан болалар, оғир ва бир нечта ОФЧка эга инсонларга шахсий ёрдам хизматини кўрсатади. Дастур ходимлари ёки кўнгиллилар томонидан кўрсатиладиган бундай шахсий ёрдамга шахсий гигиена, жамоатга қўшилиш ва жамоатнинг ижтимоий ҳаётида қатнашиш борасидаги ёрдамлар киради. Заруриятга қараб бундай ёрдам ташкилотнинг имконияти чекланган ходимлар учун ҳам ўз ишини бемалол бажариши учун тақдим этилиши мумкин.

Пина Палмера ИЧШларни дам олиш, бўш вақт ва спорт фаолиятларида қатнашишини рағбатлантиради. Ташкилот ИЧШлар ва маҳаллий спорт соҳаси ходимлари билан биргаликда ресурслар топиш ҳамда имконияти чекланган ва чекланмаган инсонлар учун маҳаллий тадбирлар уюштиришга ҳаракат қилади. ИЧШлар иштироки учун зарур бўлган ёрдамчи мосламалар ва спорт ускуналари билан таъминланади. Ногиронлар аравачасидан фойдаланадиган бир нечта ИЧШлар миллий баскетбол жамоасига қабул қилинган.

Пина Палмера ИЧШлар учун самарали мулоқот, зиддиятларни ҳал этиш, жамоада ишлаш, ҳурмат, жинсий тенглик ва жинсий ҳаёт бўйича семинарлар ташкил этади. Бу тадбирлар ИЧШларга ижтимоий тармоқларни кенгайтириш имкониятини беради. Заруриятга қараб, Пина Палмера ИЧШларга ҳуқуқлари тўғрисида содда ва аниқ тилда маслаҳат беради. ИЧШларни адолатсизликка қарши кураша олиши, ўз ҳақларини ҳимоя қилишини таъминлашга интилади.



Асосий концепциялар

Ижтимоий роллар

Ижтимоий роль нима?

Ижтимоий роллар деганда, инсоннинг жамиятдаги муайян мажбуриятлари ва фаолияти билан боғлиқ ҳолати тушунилади. Ижтимоий ролларнинг турларига муносабатлар (масалан, эр, хотин, ота, она, ака, сингил, дўст), иш (масалан, ўқитувчи, жамоат ходими, фермер), кундалик фаолият (масалан, фаррош, ошпаз), дам олиш ва спорт (масалан, футболчи) ва жамоатдаги (масалан, кўнгилли, жамоат етакчиси) роллар киради. Ижтимоий ролларга ёши, жинси, маданият ва ИЧ каби омиллар таъсир қилади. Бир инсоннинг ижтимоий роллари умр давомида ўзгаради, кўплаб жамиятлар бу ўзгаришларни муҳим маросимлар ва тадбирлар орқали эътироф этади.

Ижтимоий роллар нима учун муҳим?

Ижтимоий роллар инсоннинг ўзини англаши учун катта аҳамиятга эга, улар ҳаётга мазмун беради. Ҳар бир одамнинг ижтимоий мавқеига унинг жамиятдаги турли ижтимоий роллари таъсир қилади. Масалан, эр ёки хотин, ота ёки она, оила боқувчиси бўлиши қадрланади ва ижтимоий мавқеига ижобий таъсир кўрсатади, турмуш қурмаган, фарзанди йўқ, ишсиз одамлар эса камроқ қадрланиши мумкин, унинг ижтимоий мавқеи ҳам пастроқ бўлади. ИЧШлар ижобий ижтимоий роль ўйнай олса, ИЧка муносабат ҳам ижобий томонга ўзгаради. Масалан, имконияти чекланган боланинг мактабда аъло баҳоларга ўқиши ёки ИЧШнинг иш фаолиятида муваффақиятга эришиши бутун жамиятнинг имконияти чекланганлик(ИЧ)ка бўлган муносабатини ўзгартира олади.

ИЧШларни қадрладиган ижтимоий ролларга эга бўлишида ёрдамлашиш

ИЧШларга қадрладиган ижтимоий ролларни бажаришда турли йўллар билан ёрдамлашиш мумкин. Уларнинг кўникма ва қобилиятларини ривожлантириш, ИЧШлар ҳақида жамоатда ижобий тасаввур шаклланишини тарғиб қилиш, салбий муносабатларни ўзгартириш шулар жумласидан (бу ҳақида Қудратни ошириш компонентиға қаранг) ҳисобланади.

Ижтимоий иштирокдаги тўсиқлар

ИЧШларнинг ижтимоий иштирокига турли омиллар тўсиқ бўлиши мумкин. Масалан:

- ИЧШ ўз кадр-қимматини паст баҳолайди, билмайди ва ўзини турли тадбирларда қатнашишга лойиқ эмас ёки қобилияти етишмайди деб ҳисоблайди;
- оила аъзолари имконияти чекланган аъзосидан ор қилиши ва шу сабабли унинг тадбирларда қатнашишини қўллаб-қувватламаслиги ёки рухсат бермаслиги мумкин;
- жамоат аъзолари ИЧ ҳақида ноўрин фикр ва қарашларга эга бўлиши мумкин, масалан, ИЧШ лаънатлангани сабабли шундай аҳволга тушиб қолган, муқаддас жойга ИЧШ оёқ босса, у ерни тозалаш керак, улар ёвуз кучлар ифодаси деб ишонади;

- жисмоний тўсиқларга ноқулай транспорт ва бинолар, масалан, жамоат маркази, спорт муассасалари ва кинотеатрлар киради.

2-ЛАВҲА

Иштирок этишдаги жисмоний тўсиқлар

“Баъзида кинотеатрга борайлик десак, у ерга ногиронлар аравачасида кириб бўлмайди. Биз ҳатто у ердаги ўриндиқларда ўтира олмаймиз, чунки уларнинг олди қисмида жой етарли эмас. Сўрасак, ҳеч ким бизни тингламайди” (1).

Жинсий тенглик

Кам ривожланган мамлакатларда имконияти чекланган хотин-қизларнинг муайян ижтимоий ролларга эга бўлиш имкониятлари чекланган, масалан, оналик роли. Айрим оилалар имконияти чекланган қизни шу қадар ҳимоялашга уринадики, уйдан ташқарида бўладиган бирорта тадбирда қатнаштирамайди. Бунинг устига имконияти чекланган хотин-қизлар одатда умумий тараққиёт дастурларига киритилмайди, қарорлар қабул қилиш жараёнида қатнашмайди, соғлом аёллар гуруҳларига кўшила олмайди, чунки уларнинг эҳтиёжлари бошқа аёлларникидан фарқ қилади, деган нотўғри фикр мавжуд. Имконияти чекланган қизлар кўпинча ёшларнинг ҳар турли йигинларига ёки дам олиш тадбирларига киритилмай қолиб кетади.

Имконияти чекланган болалар

Ўзаро меҳр-муҳаббатли, инсоний муҳит барча болалар, шу жумладан имконияти чекланган болалар учун ҳам жуда муҳим. Ёш бола, айниқса, кўнгли синиқ ногирон болалар тарбиясида, баркамол инсонлар бўлибетишувида катталарнинг ғамхўрлиги, меҳр кўрсатиши алоҳида ўрин тутаяди. ЖАР дастурлари имконияти чекланган болалар ҳуқуқлари ҳимоясида катта роль ўйнайди, ногирон боланинг оила, жамоатчилик ва жамият ҳаётида қатнашишига тўсиқ бўлаётган эътиборсизлик ва камситишларга қарши курашишда ёрдамлашади.



Мазкур компонент элементлари

Шахсий ёрдам

ИЧШларнинг баъзиларига оила ва жамоат ҳаётида қатнашишлари учун шахсий ёрдам талаб қилинади. Ижтимоий хизматлар ва тўловлар кам бўлган ривожланмаган мамлакатларда оилалар бундай ёрдамнинг асосий ёки ягона манбасидир. Расмий имкониятлар чекланган бўлсада, мазкур элементда намоиш қилинишича, ЖАР дастурлари жамоат ресурсларидан фойдаланиб, ИЧШлар ва уларнинг оилаларига ўз эҳтиёжлари ва танловларидан келиб чиқиб, шахсий ёрдамдан фойдаланишда кўмаклаша олади.

Муносабатлар, никоҳ ва оила

Муносабатлар бошқалар каби, ИЧШлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу элемент, ЖАР дастурлари ИЧШларни турли оилавий, ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ роллар ва мажбуриятлардан баҳраманд бўлишини қўллаб-қувватлашга бағишланади. Жамоатдаги турли манфаатдор томонлар билан ишлаш орқали, ЖАР дастурлари ИЧ ҳақидаги хабардорликни ошириш, оила ва жамоатдаги салбий муносабатларни ўзгартириш ва ИЧШларга нисбатан зўравонликни олдини олиш ҳамда бартараф этишда ёрдамлашади.

Маданият ва санъат

Маданият ва санъатга бағишланган тадбирларда иштирок этиш инсоннинг шахсияти шаклланиши ва ривожланиши учун муҳимдир. Бундай тадбирлар ҳар бир одам ўзини англаши, бошқалар билан бирдамлик туйғусини ҳис қилиши ва жамиятга манфаат етказувчи инсон бўлиб етишига хизмат қилиши мумкин. Мазкур элементда, ИЧШлар ва уларнинг оилаларини бундай маданият ва санъат табирларида қатнашишига тўсиқ бўлаётган омиллар кўриб чиқилади ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилади. Шунингдек, маданият ва санъатнинг ИЧШларни камситилишига қарши ишлатилиши ҳамда хилма-хиллик, инклюзия ва иштирокини тарғиб этиши ўрганилади.

Дам олиш, кўнгилочар фаолиятлар ва спорт

Дам олиш, кўнгилочар фаолиятлар ва спорт, саломатликни мустаҳкамлаш ва жамиятдаги бирдамлик ҳиссини кучайтиришда муҳим роль ўйнайди. Мазкур элементда бундай фаолиятнинг ИЧШлар учун фойдаси ўрганилиб, ЖАР дастурларига ИЧШларнинг тенг иштирокини таъминлаш учун имкониятлар яратишда турли манфаатдор томонлар билан ишлаш хусусида амалий тавсиялар берилади. Жамоатга мослаштирилган ишлар режасини тузиш ва дастурлар ишлаб чиқишда манфаатдор томонлар билан бевосита ишлаш аҳамиятига урғу берилади.

Адолат

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси, ҳаётининг маълум бир даврига келиб ўзига нисбатан қонуний, адолатли муносабатни истаб қолиши табиий. Маҳаллий даражада қонунларни билиш ва бу билан ИЧШларнинг “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция”га кўра (2) муайян ҳақ-ҳуқуқлардан фойдаланишини таъминлаш лозим. Мазкур элементда, ЖАР дастурларини ИЧШларга ўз ҳуқуқларини билиб, ҳимоя қилишда ва адолатсизликка қарши қонуний йўллар билан курашишда кўмаклашишига эътибор қаратилади.



Шахсий ёрдам

Кириш

ИЧШларнинг айримлари оила ва жамият ҳаётида тўлиқ иштирок этиши учун шахсий ёрдамга эҳтиёж сезади. Шахсий ёрдам, атроф-муҳит билан боғлиқ омиллар (масалан, атроф-муҳитда қулайликлар яратилмаган бўлса) ва ИЧШнинг организм фаолиятидаги носозликлар натижасида мустақил равишда иш ва юмушларни бажара олмаслиги сабабли талаб қилиниши мумкин.

Шахсий ёрдам ИЧШга истаган вақтида ётиш-туриш, овқатланиш, нимани ва қачон истеъмол қилишини мустақил ҳал қилиш, уй юмушларини бажариш, ижтимоий тадбирларда қатнашиш, ўқиш, ишлаб пул топиш ва оилани боқиш имконини беради.

Шахсий ёрдамни норасмий (масалан: оила аъзоси ёки дўстлар орқали) ёхуд расмий воситалар (масалан: хусусий ишчи ёллаш ёки ижтимоий хизмат) орқали таъминлаш мумкин. Даромади кам ва ўртача бўлган жамиятларда расмий воситаларга ажратилган маблағ кўпинча чекланган бўлади, шу боис давлатлар ижтимоий муҳофаза тизимларини ишлаб чиқмоқда; Бразилия, Ҳиндистон, Жанубий Африка ва Бангладеш бунга мисол бўлади. Бундай тизимлар ишлаб чиқилар экан, ЖАР дастурлари учун ИЧШларни шахсий ёрдам билан таъминлаш имкониятлари кенгайишига умид қилинади (бу ҳақида Даромад олиш компоненти: Ижтимоий муҳофаза қисмига қаранг).

3-ЛАВҲА

“Ногиронлар Ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция”нинг, 19-моддаси: Мустақил яшаш ва жамиятда тўлиқ қатнашиш (2)

Мазкур Конвенцияни имзолаган давлатлар барча ИЧШларнинг жамиятда яшаш, бошқалар билан тенг овозга эга бўлиш ҳуқуқини эътироф этади ҳамда самарали ва тегишли чоралар кўриш орқали ИЧШларнинг ушбу ҳуқуқдан тўла фойдаланишини ҳамда уларнинг жамиятнинг тўлақонли аъзосига айланишини таъминлайди. Бунинг учун қуйидагиларни кафолатлаш зарур:

- А) ИЧШлар бошқалар билан тенг равишда яшаш жойини, қаерда ва ким билан яшашини танлаш имкониятига эга ҳамда маълум шароитда яшашга мажбурлана олмайди;
- Б) ИЧШлар жамиятда тўлиқ қатнашиш ва ажралиб қолмасликни таъминлаш учун уй, жамоатчилик ҳамда жамиятдан олинадиган ёрдам, шу жумладан шахсий ёрдамдан фойдалана олади;
- В) умумий аҳоли ихтиёридаги маҳаллий хизматлар ва иншоотлардан ИЧШлар ҳам тенг равишда фойдалана олади ва ўз эҳтиёжларини қондиради.

Зарурият бўлганда ёрдам

Жей-Хван Корея Республикаси пойтахти Сеулда яшайдиган 13 ёшли бола. У бувиси, икки опаси ва икки холаваччаси билан яшайди. Бола тўртга кирганида, унда мушаклар дистрофияси билан оғриди. Тўққиз ёшида юришдан қолди, мактабга боролмай тушкунликка тушди.

ЖАР дастури Жей-Хван Ким билан танишганида, унинг ёши 13да эди. Дастур ходимлари болани Миллий реабилитация касалхонасига йўллади, Жей-Хван тиббий реабилитация ва терапия олди. Ёрдамчи технологиялар тадқиқотлари ва ёрдам маркази (АТРАС) унга ногиронлар аравачаси ажратди. Аҳволи яхшилангангач у мактабга қайтиш ниятида эди, аммо шахсий ёрдамсиз бунинг уддасидан чиқа олмасди.

Шунда касалхонанинг бир ходими Жей-Хванни университетдан бир кўнгилли билан таништирди. Кўнгилли болага бошланғич мактабни тугатишда ёрдамлашди. Жей-Хван бир маҳаллий нодавлат ташкилот билан алоқа ўрнатди, ташкилот кўнгиллилари бола билан биргаликда машғулотлар олиб борадиган, китоб ўқишни, расмни чизишни ўргатадиган бўлишди. Оилага уйни мослаштириш ва ногиронлар аравачаси учун қулайликлар яратишда ҳам ёрдам берилди. Яна бир кўнгилли мунтазам равишда келиб, Жей-Хваннинг бувисига уй юмушларини бажаришда ёрдамлашарди. Бола Корея мушаклар дистрофияси жамғармаси томонидан тузилган ўзаро ёрдам гуруҳига кўшилди.

ЖАР дастури, Миллий реабилитация касалхонаси, Ёрдамчи технологиялар тадқиқотлари ва ёрдам маркази ҳамда Корея мушаклар дистрофияси жамғармаси ва бошқа нодавлат ташкилотлари ёрдамида Жей-Хваннинг ҳаёти яхши томонга ўзгарди. Ижтимоий соҳа ходимлари ва кўнгиллилари унга зарур бўлган шахсий ёрдамга эга бўлишида катта роль ўйнади.



Мақсад

ШЧШларни ўз эҳтиёжларига жавоб берадиган ва фаол ва тўлақонли ҳаёт олиб боришини таъминлайдиган шахсий ёрдам олиш имкониятига эга бўлиши.

ЖАРнинг вазифаси

ЖАР дастури, ИЧШларни ўз шаъни ва ғурурига эга бўлиб ҳаёт кечириши учун талаб қилинадиган шахсий ёрдамга эга бўлишни кўллаб-қувватлайди.

Кутиладиган натижалар

- ЖАР дастурлари ва ИЧШлар ташкилотлари билан биргаликда жамоатда талабга жавоб берадиган сифатли ва стандарт шахсий ёрдам олиш имкониятлари борлигини таъминлаши
- ИЧШларни шахсий ёрдам режасига эга бўлиши.
- ИЧШлар шахсий ёрдамдаги эҳтиёжларни бошқаришни ўрганиш учун тренингларда қатнаша олиши.
- Расмий ва норасмий шахсий ёрдамчилар учун тренинглар ташкил этиш.
- Норасмий асосда шахсий ёрдам кўрсатадиган оилаларга кўмаклашиши.
- Инқирозларга жавобан ИЧШларни махсусногиронлар муассасаларига юборилишдан асрайдиган механизмлар жорий этиш.
- Жамоатларни ИЧШларга жамоат шароитида шахсий ёрдам бериш имкониятларини тақдим этиши.

Асосий концепциялар

Қай бири афзал: махсус муассасалардами ёхуд мустақил яшаш?

Сўнги бир неча ўн йиллик давомида ривожланган мамлакатларда “ИЧШлар уйида парвариш”дан “мустақил яшаш”га ўтилди. Мустақил яшаш, ИЧШлар барча юмушларни ўзлари бажаришлари шарт, дегани эмас. Бу аслида ИЧШлар бошқалар каби ҳаёт йўлини ўзи танлаб, ўзи белгилаб ва бошқариб яшашини англатади. ИЧШлар ўз эҳтиёжларини бошқаларга қараганда ўзлари яхши биладилар. Бу масалада улар эксперт, шу боис бошқалар каби ўз ҳаётларига ўзлари хўжайинлик қилиши лозим. Шахсий ёрдам ИЧШлар ногиронлар уйида парваришланишида эмас, балки мустақил яшаш имкониятига эга бўлишидаги муҳим омил ҳисобланади.

Мустақил яшаш учун шахсий ёрдам

Мустақил яшаш ҳаракати (МЯҲ) халқаро ҳаракат бўлиб, ИЧШларнинг айна жамиятда яшовчи ака-укалари, опа-сингиллари, дўст-биродарлари ва қўшнилари каби одамлар билан ўзаро алоқаларни сақлаб қолиш ҳуқуқига эгаллигини илгари суради ва бу ҳуқуқни ҳимоя қилади. Катта ёрдамга муҳтож бўлган, яъни ҳаётни давом эттиришда бошқаларнинг амалий кўмагига боғлиқ бўлган, масалан, овқатланиш, кийиниш, ҳожат чиқариш, мулоқот қилишнинг уддасидан чиқа олмайдиган ИЧШлар ҳам айнан шундай ҳуқуққа эга бўлади.

МЯҲ “шахсий ёрдам” тушунчасини юқорида тилга олинган фаолиятни таърифлаш учун қўллайди, бироқ шуни таъкидлаш лозимки, ИЧШ ким ёрдамчи этиб тайинланиши, ёрдамчи қандай вазифаларни қачон ва қандай қилиб бажаришини ўзи ҳал қила олиши керак. Албатта, фақат молиявий имкониятларига қараб ёрдамчи (жумладан, оила аъзоларидан бирини) ёллаш оладиган ИЧШ фақат бундай ҳуқуқдан фойдалана олади. Одатда ИЧШлар ва уларнинг оилаларини иқтисодий ресурслари чекланган бўлади, шу сабабли давлат идоралари шахсий ёрдамчи ёллашда кўмаклашиши лозим. Айримлар, масалан, имконияти чекланган болалар ёки ақлий ОФЧШларга шахсий ёрдамчи танлашда ёрдам талаб қилинади.

Шахсий ёрдамдаги вазифалар

Шахсий ёрдам, фақат шахсий вазифаларни бажаришни англатмайди. ИЧШ турли муҳит ва шароитда, масалан уйда (оталик ёки оналик вазифасини бажараётганда ёрдамлашиш), мактаб, ишхона, бошқа жойларда (саёҳат қилаётганда, бозор ёки банкда) ва фавқулодда вазиятларда ҳам шахсий ёрдамга муҳтож бўлади. Шахсий ёрдам расмий ёки норасмий йўл билан таъминланишидан қатъий назар, шуни ёдда тутиш керакки, ёрдам сифати ва сони ИЧШга оила ҳамда жамиятда ўз шаъни ва ғурурини йўқотмай иштирок этиш имкониятини бериши керак.

Шахсий ёрдамдаги “шахсий” қисмини тушуниш

Шахсий ёрдам тушунчасидаги “шахсий” сўзи ҳар бир одам бошқалардан фарқ қилиши ва эҳтиёжлари ҳам бошқачалигини акс эттиради. Шахсий ёрдам муайян шахс учун мос бўлган ечимларни топишни назарда тутаяди. Турли вазифаларни бажариш учун бошқа-бошқа даражадаги ёрдам (ҳеч қандай ёрдам, қисман ёрдам ёки тўлиқ ёрдам) турли вақтда талаб қилиниши мумкин, чунки эҳтиёжлар шахсий шароитларга қараб ўзгаради, масалан, ижтимоий роллардаги ўзгариш ёки соғлиқнинг ўзгариши. Ҳар бир одам учун булар орасида мувозанат бўлиши катта аҳамиятга эга.

Назоратнинг аҳамияти

Шахсий ёрдам деганда кўпинча ИЧШ учун кўрсатилган ёрдам тушунилади, яъни бу ёрдам қабул қилувчи заиф одам бўлади. Ҳозирги кунда бундай қараш долзарб эмас, ҳозирда ИЧШ ўз ҳаётига ўзи эгалик қилиши ва шу боис шахсий ёрдамга бўлган эҳтиёжи ҳақидаги қарорни ҳам ўзи қабул қилиши керак (5-лавҳага қаранг).

Ёрдам имкониятлари

Норасмий ёрдам

Дунё бўйлаб ИЧШларга кўрсатиладиган ёрдамнинг катта қисми норасмий йўллар билан кўрсатилади (3). Оила аъзолари, дўстлар, қўшнилари ва кўнгилчилари норасмий ёрдамни кўрсата олади.

Расмий ёрдам

Шахсий ёрдам расмий асосда ҳам кўрсатилиши мумкин. Турли расмий шахсий ёрдамлар ривожланган мамлакатларда таклиф этилмоқда, кам ривожланган мамлакатларда ҳам бундай ёрдамлар кўпайиб бормоқда (3). Бундай ёрдам давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда хусусий сектор томонидан кўрсатилиши мумкин. Марказлашган бюджет даражаси камаядиган бўлса, маҳаллий ҳокимиятлар ва ижтимоий фаровонлик вазирлиги ўз бўлимларига бундай ёрдамларни тақдим этиш учун маблағ ажрата олади. Тўловлар, масалан, имконияти чекланганлик (ШЧ) нафақалари ва бошқа шаклдаги тўловлар шахсий ёрдам учун тўлашга ишлатилиши мумкин.

Қийинчиликлар

Кам ривожланган мамлакатлардаги чекланган имкониятлар

Ривожланган ва кам ривожланган мамлакатларда шахсий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ турли қийинчиликлар мавжуд. ИЧШлар учун шахсий ёрдам олиш имкониятини таъминлашга ҳаракат қилаётганда ЖАР дастурлари қуйидаги қийинчиликларга дуч келиши мумкин:

- ИЧШлар, уларнинг оилалари ва ИЧШлар ташкилотларда шахсий ёрдам ҳақида маълумот ва талабнинг камлиги;
- шахсий ёрдамчилар учун тренинг ва ўқув дастурлари камлиги;
- шахсий ёрдамни қўллаб-қувватловчи ижтимоий муҳофаза сиёсати ва дастурлари йўқ, масалан, ИЧ учун тўловлар, грантлар ва нафақалар (кам ривожланган мамлакатларнинг айримларида бор);
- миллий даражада шахсий ёрдам тушунчаси ва стандартлари ҳамда уни мониторинг қилиш тартиблари озчиликни ташкил қилади.

Инқирозли ҳолатлар

Агар ёрдам тизими бузилса, ИЧШлар инқирозга юз тутиши мумкин. Айрим ҳолларда уларнинг ўз хоҳишига қарши ИЧШлар уйига юборилади. Кам ривожланган мамлакатларда шахсий ёрдамни оила аъзолари кўрсатар экан, тизим осонликча ишдан чиқишига сабаблар кўп бўлади. Масалан, оила аъзоси вафот этса, оила ичида келишмовчиликлар ёки молиявий муаммолар юзага келиши эҳтимоли бор. Айрим ҳолларда оила аъзоси шахсий ёрдам кўрсатишдан чарчаб, буни оғир юк деб билаётган бўлиши мумкин. Норасмий секторнинг ИЧШлар учун катта аҳамияти ва кўплаб жамиятларда оиланинг роли бирламчи эканини инобатга олинса, ИЧШларга кўрсатилаётган хизматлар ниҳоятда муҳимлигини тушуниш қийин эмас (3).

Заифлик ва зўравонлик хавфи

Умрининг маълум бир пайтида ёрдамга муҳтож бўлган одам бошқаларга қараганда анча заиф бўлади (3). Шахсий ёрдамчиси томонидан зўравонликка учраган одам бу ҳақида бошқаларга шикоят қилишга, вазиятни ўзгартиришга қийналади, натижада у жуда қийин аҳволга тушиб қолади (бу ҳақида Муносабатлар, никоҳ ва оила қисмига қаранг).

Таклиф этиладиган фаолиятлар

ИЧШлар ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаш

Кўпгина вазиятларда ИЧШлар шахсий ёрдамга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари қийин кечади. Аммо, биргаликда ҳаракат қилинса ўзгаришларга эришиш мумкин. ЖАР дастурлари ИЧШлар ташкилотларининг шахсий ёрдам кўрсатиш имкониятларини яратишдаги ролини эътироф этиши ва улар билан қуйидаги мақсадларда фаолият юритиши лозим:

- шахсий ёрдамни белгилаш учун стандартларни ишлаб чиқиш ва тарғиб этиш;
- ИЧШлар учун шахсий ёрдам ҳақида жамоатда маълумот бўлишини таъминлаш;
- жамоатда шахсий ёрдам хизматлари кўрсатилмаса, унда шахсий ёрдам имкониятларини яратиш
- ИЧШлар учун тегишли шахсий ёрдам хизматларини ривожлантириш ва кузатишда кўмаклашиш;
- ИЧШлар, айниқса оғир ва ёки бир нечта ОФЧка эга инсонлар ИЧШлар ташкилотлари ва ўзаро ёрдам гуруҳлари билан алоқада бўлишини таъминлаш.

Мижозга қаратилган шахсий ёрдам ҳаётни ўзгартирди

Сербияда тарихда биринчи марта миждоз назорат қиладиган шахсий ёрдам хизмати таъсис этилди. Бу кўплаб одамлар ҳаётини ўзгартирди ва ИЧШларни ҳаракатларга чорлади. Хизмат натижасида бир миждоз ИЧШларнинг фаол етакчисига айланди. Илгари у асосан уйда китоб ўқиш билан машғул бўлган бўлса, энди эса шахсий ёрдамчиси билан ҳафтасига уч марта ИЧШлар ташкилоти аъзолари билан учрашади, ташкилотга раҳбарлик қиладди, унинг фаолиятини режалаштиради ва бошқаради. Ташкилот жамоатчилик орасида мустақил яшаш учун ИЧШларга бино ажратишни илгари суриб, муваффақиятга эришди ва маҳаллий ҳокимият алоҳида жой ажратди.

ИЧШларга шахсий ёрдам режасини тузишда кўмаклашиш

Шахсий ёрдам жамиятдаги шароитлар ва урф-одатларга мос бўлиши, жинс ҳамда ёшга боғлиқ эҳтиёжларни инобатга олиши керак. ЖАР дастурлари ИЧШларга куйидаги ёрдамни кўрсатиши мумкин:

- қандай вазифаларни бажариш учун шахсий ёрдам талаб қилинишини аниқлаш
- жамоатда шахсий ёрдам борасидаги мавжуд имкониятларни кўриб чиқиш; улардан энг маъқулини танлашдан олдин уларни синаб кўриш мумкин;
- шахсий ёрдамчиларга қайси вазифаларни бажаришда ёрдам талаб қилиниши, уларни қачон ва қандай бажариш кераклигини тушунтириш
- шахсий ёрдам ким томонидан кўрсатилишидан қатъий назар (ёлланган ходимми, кўнгиллими) ёзма шартнома (контракт) тузиш;
- шахсий ёрдам эҳтиёжларини мунтазам равишда кўриб чиқиш, заруриятга қараб, яъни саломатликда, кундалик ҳаёт ёки атроф-муҳитда ўзгариш бўлса, режани уларга мослаштириш.



Шахсий ёрдамни режалаштириш

Филиппинда ИЧШлар миллий ташкилоти, таълим вазирлиги ва ота-оналар уюшмаси билан ҳамкорликда ва бир неча соҳа вакиллари иштирокида дастур ишлаб чиқди. Дастурдан мақсад ота-оналар ва ўқитувчилар учун оғир ОФЧка эга болаларга шахсий ёрдам кўрсатишни ўргатадиган тренинглари ташкил этишдир. Бу болаларга умумий бошланғич мактабда ўқиш имкониятини беради. Дастур қишлоқ жойларда яшовчи 13 минг бола билан ишлайди, мактаб ёшига етмаган болалар, ота-оналар ва ўқитувчилар билан қўшма семинарлар ўтказилади, бу билан ҳар бир бола учун ёрдам режаси тузилганини таъминлайди. Дастур ёрдамга эҳтиёжманд имконияти чекланган болаларни тенгдошлари билан бир қаторда умумий бошланғич мактабларда ўқишини таъминлашда катта муваффақиятга эришди.

Тренинг учун имкониятлар яратиш

ИЧШлар шахсий ёрдамчини танлаш ва бошқаришни ўрганиш учун ўзига ишонч ҳамда бошқа кўникмаларни ривожлантиришга бағишланган тренинглари муҳтож бўлади. Шахсий ёрдамчиларга эса ўз роли ва мажбуриятларини бажаришни ўрганиши учун тренинглари талаб қилиниши мумкин.

ИЧШлар учун

ИЧШларнинг юқори сифатли шахсий ёрдам олишини таъминлаш учун уларга ўз эҳтиёжлари ва талабларини ифода этишни ўргатиш керак. ЖАР дастурлари ИЧШларга куйидаги ёрдамни кўрсата олади:

- мулоқот қилиш ва ўз манфаатларини илгари суришга (бу ҳақида Қудратни ошириш компоненти: адвокация ва мулоқот қисмига қаранг) бағишланган тренингларида қатнашиш
- шахсий ёрдам ҳақидаги маълумотга эга бўлиш имкониятини мавжуд бўлиши;
- шахсий ёрдамга оид талабларни аниқлаш, ташкил этиш ва бошқаришнинг энг самарали йўллари ўрганиш;
- шахсий ёрдамга оид талаблар ҳақида оила аъзолари, жамоатчилик, мактаблар ва ишхоналар билан музокара олиб боришни ўрганиш;

Тренингда қатнашиш имкониятлари турли томонлар, жумладан ИЧШлар ташкилотлари, давлат хизматлари, малака ошириш институтлари, нодавлат ташкилотлар, ЖАР дастурлари ва ёки бошқа тажрибали шахсий ёрдамчилар томонидан таклиф этилаётган бўлиши мумкин. ИЧШлар ташкилотлари ва ўзаро ёрдам гуруҳлари ёрдам, маълумот ва ИЧШлар учун шахсий ёрдамга бағишланган тренингларининг энг яхши манбаи ҳисобланади. ИЧШлар ташкилотлари ёки ўзаро ёрдам гуруҳлари бўлмаган жойларда ЖАР дастурлари ногиронлар ва уларнинг оилаларини ўзларига ўхшаш аҳволда ва шароитда бўлган бошқа одамлар билан таништириши мумкин.

Шахсий ёрдамчилар учун

Шахсий ёрдамчиларнинг ўз роли ва мажбуриятларини бажаришида ўзига ишонган, малакали ва тажрибали бўлиши катта аҳамиятга эга. Кўпгина вазиятларда шахсий ёрдамчилар, айниқса норасмий равишда ишлаётганлар, вазифаларни бажаришда ҳеч қандай тренингдан ўтмаган бўлади. Шахсий ёрдамчилар учун тренингларда қатнашиш муҳим, бу уларга қуйидаги масалаларда ёрдам беради:

- ўз роли аҳамиятини тушуниш;
- чегараларни тушуниш
- имконияти чекланган одам эҳтиёжларини эътибор билан тинглаш ва унга жавоб бериш;
- сўралган вазифаларни бажариш учун талаб қилинадиган кўникмалар ҳосил қилиш;
- вақт ва вазифаларни самарали бошқариш, айниқса, агар уларнинг бошқа мажбуриятлари ҳам бўлса.



Ногиронларга ёрдамчини ўргатишда ҳам ёрдам талаб қилиниши мумкин, бундай вазиятда ЖАР дастурлари, ИЧШлар ташкилотлари ва ўзаро ёрдам гуруҳлари кўмаклаша олади. Жамоатда бошқа тренинг дастурлари бўлса, уларни ҳам ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Шахсий ёрдам кўрсатадиган оила аъзоларига кўмаклашиш

Шахсий ёрдам кўрсатадиган оила аъзоларининг одатда бошқа вазифа ва мажбуриятлари ҳам бўлади. Оқибатда улар жуда чарчайди, ўз эҳтиёжларини қондириш учун етарли вақт топмайдилар. Кўпгина ҳолларда оила аъзолари ўзи учун ҳам етарли ёрдамга эга бўлмайди. ЖАР дастурлари оила аъзоларига қуйидаги йўллар билан кўмаклашиши мумкин:

- фавқулодда вазиятда улар ўрнида ишлайдиган одам ёки ўриндошни аниқлаш;
- ўхшаш вазиятда бўлган бошқа оилалар билан таништириш, масалан ўзаро ёрдам гуруҳлари, ИЧШлар ташкилотлари, ота-оналар ёки оилалар ташкилотлари орқали;
- уларнинг муаммолари ҳақида суҳбатлашиш ва уларни тинглаш, шахсий ёрдамчи ролини бажаришнинг энг самарали йўлларини топишда ёрдамлашиш;
- оилаларни тренингларга жалб этиш, бу билан уларга муаммоларни ҳал этишни ўргатиш;
- шахсий ёрдамчи ролини бажараётган ёшлар ўз ўқишларини давом эттириши ва дам олиш учун ҳам вақт топишини кафолатлаш.

Инқирозли вазиятларга тайёрланиш ва уларни бошқариш

Агар ёрдам тизими издан чиқса, ИЧШларга ёрдамлашишда давом этиш зарур бўлади. ЖАР дастурлари бошқа манфаатдор томонлар билан биргаликда олдиндан режа тузиб, инқирозли ҳолатдан чиқишга тайёр эканлигига ишонч ҳосил қилиш. Жамоат

ёрдамнинг бой манбаи бўлиб, инқироз даврида ресурслар ва имкониятларни муҳайё қилиши мумкин. Муаммоларни ечишда жамоат ёрдами яқин ва узоқ келажақда энг мақбул ва самарали ҳисобланади. ЖАР менежерлари учун ИЧШлар ташкилотлари ва маҳаллий расмийлар билан инқирозли ҳолатларда нима қилиш кераклигини олдиндан муҳокама қилиб, ҳаракатлар стратегиясига келишиб олиш мақсадга мувофиқдир. Инқироз бошланишидан олдин қуйидаги масалаларни ўрганиш керак:

- Фавқулодда вазиятга жавоб бериш учун гуруҳ тузилганми? Бу гуруҳ маҳаллий ҳокимиятнинг ижтимоий соҳа ходими, ИЧШлар ташкилотининг малакали аъзоси, ҳуқуқ-тартибот органлари ходими ва ЖАР ходимидан таркиб топган бўлиши лозим.
- Жамоатда вақтинча фойдаланиш учун жой борми? Вақтинчалик парвариш ёки реабилитация муассасасида шундай жой бўлиши мумкин.
- Жамоатда жинсий тажовуз ёки зўравонлик қурбони бўлган хотин-қизлар учун бошпана ёки шунга ўхшаш хавфсиз жой борми? Улар имконияти чекланган хотин-қизлар учун мослаштирилиши керак.
- Инқирозли вазиятда оилаларга ёрдам берадиган ижтимоий соҳа ходимлари ИЧдан хабардорми, тегишли малакага эгами? Агар йўқ бўлса, ИЧШлар ташкилоти ва ЖАР дастурлари бундай тренинг ташкил эта оладими?
- Вазият яхшилангунича қариндошлар вақтинча зарур бўлган кўмакни бера оладими?
- ИЧШлар ташкилотлари ва ЖАР дастурлари инқироз ҳолатига тушган оилаларга ёрдамлашиш ниятида бўлган оилаларни аниқлай оладими?
- ИЧШлар ва уларнинг оила аъзоларига ёрдам берадиган ўзаро ёрдам гуруҳлари мавжудми?

Инқироз пайтида ИЧШлар ва уларнинг оилалари ташқи томон ёрдамига муҳтож бўлиши мумкин. ЖАР дастурлари бевосита ёки билвосита, ИЧШлар ташкилотлари, ўзаро ёрдам гуруҳлари ва ижтимоий муҳофаза дастурлари билан алоқа ўрнатиш орқали бу ролни бажара олади. Агарда қийин вазиятда ечим топилмаса, айниқса, агар ИЧШ ҳаёти хавф остида бўлса, инқироздан чиқишнинг ягона йўли муқобил яшаш жойини топишдир.

ИЧШлар муассасаларидан воз кечиш истагини қўллаб-қувватлаш

Аъанага кўра, кўп ёрдам талаб қиладиган ногиронлар ИЧШлар муассасасига жойлаштирилди. Бу борадаги вазият ўзгарар экан, кўплаб мамлакатларда бундай муассасалар ҳамон мавжуд, баъзи ИЧШлар учун улар ягона яшаш имкониятидир. ЖАР дастурлари ИЧШлар ташкилотлари ва тегишли давлат идоралари билан биргаликда ИЧШларнинг бундай муассасалардаги мавжуд аҳволни ўрганиши катта аҳамиятга эга.

ИЧШлар уйлари амалиётдан воз кечган мамлакатлар бундай муассасалар ўрнида қуйидагиларни таъсис этишга муваффақ бўлган:

- касб-хунар ўқув марказлари ва ресурс марказлари;
- реабилитация марказлари;
- ИЧШлар бемалол, заруриятга қараб, ёрдам олиб, мустақил яшай оладиган уйлар;
- шахсий ёрдам кўрсатидаган оила аъзоси шахсий ёрдамчилик вазифасидан дам оладиган вақтда, ногиронлар қисқа вақт давомида туриб, дам оладиган масканлар;
- Фақат ИЧШлар эмас, зўравонлик қурбони бўлган бошқалар учун ҳам фавқулодда яшаш жойлари.

Муносабатлар, никоҳ ва оила

Кириш

Муносабатлар, никоҳ ва оила ҳар бир жамиятнинг ўзагидир. Бутун дунёда оила ёрдам ва хавфсизликнинг асосий манбаи сифатида эътироф этилган. Оиладаги хавфсиз ва барқарор шароит бутун умр давомида, туғилишдан кекса ёшгача инсонга ўсиш ва ривожланиш имкониятини беради.

Оилалар бир биридан фарқ қилади, уларга турли омиллар, шу жумладан маданий, анъанавий ва диний амалиётлар таъсир кўрсатади. Оилаларни кичик (ота-она ва фарзандлар), кенгайган, фақат она ёки отаси бор, бола томонидан бошқариладиган, сақлаб олинган деб таснифлаш мумкин. Бу хилма-хилликни тан олиб, ИЧШлар ҳам оила қуришга ҳақли эканини эътироф этиш керак. “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция”нинг 23-моддасида қайд этилишича, “аъзо давлатлар ИЧШларга нисбатан никоҳ, оила, оталик ёки оналик ва муносабатлар борасида камситишларни бартараф қилишга қаратилган барча тегишли чораларни кўриши зарур” (2).

Мазкур элементда ИЧШларни муносабат ва турмуш қуриш ҳамда ихтиёрига қараб ота ёки она бўлишда қўллаб-қувватлашнинг аҳамиятига урғу берилади. Унда, шунингдек, ИЧШларнинг муносабатлар, никоҳ ва оилада зўравонлик қурбони бўлиши ҳамда бу муаммони эътироф этиб, ҳал қилиш кераклигига эътибор қаратилади.



Оналик бахти учун кураш

“Ёшим 40дан ошган. Ҳаётимда нимага эришган бўлсам, ҳар бир ютуғим учун курашганман. Ёшлигимдан оила қуриш ва она бўлишни орзу қилганман, чунки опасингилларимнинг ҳаммаси турмушга чиққан ва фарзанд кўрган. Улар уй ишларида менга ёрдам бериш учун болаларни меникига юборар, лекин ётиб қолишига рухсат бермасди. Мен ишлардим, ўз уйимда яшаб, мустақил ҳаёт кечирардим, лекин улар менга худди ёш болага қарагандек қарашарди. Тунда мен ўзимни ёлғиз ҳис этардим, гаплашишга одам йўқ эди, сув ёки овқат олиб келишга дастёрим йўқ эди. Даҳшатнинг ўзгинаси!

Ёшим 25 кирганида мен ҳомиладор бўлдим. Опаларим, холаларим ва тоғаларим ҳайратга тушди. Кутилмаган шум хабар эди бу... Менга ИЧШ бўлганим сабабли болани дунёга келтиролмаслигимни айтишди... Опаларим туғруқ нималигин яхши билгани сабабли менга ҳомиладан воз кечгин, аборт қилдиргин дейишди. Улар ҳатто соғлом аёллар туғруқ пайтида ўлади, сенга нима бўлишини биласанми, деб мени кўрқитишди. Ҳомилам учун жавобгар бўлган эркакка хат ёзиб, унга сени полицияга топширамиз, деб дўқ-пўписа қилишди. Мен у киши тўғри йўл тутмаган бўлса-да, менга уйланмоқчи эканини айтдим.

Опаларим ва холаларим аборт қилдириш учун мени касалхонага олиб бормоқчи бўлишди. Лекин менинг ҳомилани сақлаб қолиш ва фарзандли бўлиш қарорим қатъий эди. Мен бир ўзим шифокор кўригига бордим, масалаҳатлашдим, шифокор мени соғлом бола кўра олишимга ишонтирди.

Вақт-соати етиб, бир гўзал қизни дунёга келтирдим. Бутун оила аъзоларимнинг муносабати ўзгарди, ҳамма хурсанд эди, мени қўллаб-қувватлашарди. Бир неча йилдан сўнг фарзандимнинг отасига турмушга чиқдим ва яна бир бола – ўғил кўрдим. Ҳозир икки боланинг бахтиёр онасиман. Қизимнинг ёши 18да, ўғлим 14га кирди. Болаларим мени яхши кўради, ҳурмат қилади, мендай оналари борлигидан фахрланишади.

Бу менинг ногирон бўла туриб, оналик бахтига интилганим ҳақидаги ҳикоя. Инсондан фақат довжураклик талаб этилади! Мен ўз мақсадимни белгилаганимдан кейин кучли ва иродали шахсга айландим. Тажрибамга кўра, имконияти чекланмаган инсонлар ногиронлар она бўлмаслиги керак, деб ҳисоблайди. Гап шундаки, фарзанд кўриш ёки боқиб олиш ҳар бир одамнинг, шу жумладан ИЧШнинг ҳам инсоний ҳуқуқи ва шахсий масъулияти.



— Жулиан Присилла Мабангве, Малави
ИЧШлар кенгаши (3).

Мақсад

ИЧШлар оила ва жамиятда ўз ўрнига эга эканлиги ҳамда ролини тўлиқ бажара олиши.

ЖАРнинг вазифаси

ЖАРнинг вазифаси ИЧШларни ўз оиласи ва жамият аъзолари билан тўла ва қониқарли муносабатлар қуришда қўллаб-қувватлашдан иборат.

Кутиладиган натижалар

- Жамоатчиликни ИЧШлар мазмунли муносабатлар ва турмуш қуриш ҳамда фарзанд кўришга ҳақли эканлигини англаб, қабул қилиши.
- Имконияти чекланган ота-оналар ва ИЧШларнинг ота-оналари, уларни оталик ва оналик ролида қўллаб-қувватловчи мақбул хизматлар ва дастурлардан фойдалана олиши
- Оилалар имконияти чекланган аъзосини жамиятга қўшилиш ва уйдан ташқарида муносабатлар қуришида қўллаб-қувватлаши.
- ИЧШлар зўравонликдан ҳимояланган бўлиб, барча манфаатдор томонларнинг ушбу масала устида биргаликда ишлаши.
- Ижтимоий тармоғи чекланган, яъни таниш-билишлари ва дўст-биродарлари кам бўлган ИЧШларни жамоатда қўллаб-қувватланиши.

Асосий концепциялар

Муносабатлар

Тўла ва қониқарли муносабатлар, ҳар бир одам учун катта аҳамиятга эга, ҳамда шахсий ўсиш ва ривожланишда жиддий роль ўйнайди. Оила, дўстлар ва шериклар билан ижобий (илҳом бахш этадиган), давомли ва қониқарли муносабатлар ўрнатиш барча одамлар, хусусан ИЧШлар учун ҳам устувор масаладир.

Оила

Оилага мансуб бўлиш

“Оила” сўзи ҳар бир инсон учун турлича маънони англатиши мумкин. Оилалар турли шаклда бўлади, аъзолар сони ҳам турлича бўлса-да, оилаларни умумийлаштирадиган омил оилага мансублик ҳисси. Оилада ўқиш ва ривожланиш учун шароитлар яратилади, болалар ва заиф аъзолари, масалан, ИЧШлар хавфсизлиги таъминланади.

Оиланинг ИЧка муносабати

Ҳар бир оиланинг ИЧка ёндашуви турлича бўлади. Бир оила ОФЧ билан туғилган болани қабул қила олмаса-да, бошқасига келажакда қандай яшаш ҳақида маълумот талаб қилинади, яна бир оила туғилган боладан, унинг қандайлигидан қатъий назар, хурсанд бўлади.

Оилалар ИЧШларни жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиш ҳуқуқларини ҳимояловчи ва ўзгаришларни таъминловчи куч бўла олади. Улар имконияти чекланган оила аъзосини ҳаётдаги умид ва орзуларига ижобий таъсир қилиши, уларга нисбатан жамоатчилик муносабатини шакллантириши мумкин.

Жинсий ҳаёт

Жинсий ҳаёт саломатликнинг муҳим қисмидир. Аммо кўпгина жамиятларда бу масала нозик ҳисобланади, баъзида умуман муҳокама қилинмайди. Айниқса жинсий ҳаёт масаласи ИЧ билан боғлиқ бўлса, одамлар ҳамон кўплаб нотўғри тасаввурларга эгадир. Масалан, ИЧШларга жинсий ҳаёт керак эмас, улар фарзанд кўра олмайди ёки аксинча, уларнинг жинсий муносабатларга иштиёқи бошқаларникидан баландроқ, деган фикрлар мавжуд ва бундай фикр нафақат оддий одамлар, балки тиббиёт соҳаси ходимлари, ҳатто ИЧШлар орасида ҳам тарқалган. Шунинг учун тутиш керакки, ИЧШларнинг, бошқалар каби, жинсий эҳтиёжлари бор. Афсуски, амалда бу эҳтиёжлар эътиборсиз қолади ёки инкор этилади (бу ҳақида Қўшимча китобча: ЖАР ва ОИТ/ОИТС қисмига қаранг).

9-ЛАВҲА

Уганда

Нотўғри тасаввурлар

Угандадаги ИЧШлар миллий иттифоқига аъзо бўлган, имконияти чекланган бир аёл шундай дейди: “Бизни саломатлик марказларида уюштирилган маҳаллий тадбирларга таклиф этишмайди... одамлар фикрича, биз ИЧШ бўлганлигимиз сабабли жинсий ҳаётга эга эмасмиз”.

Турмуш ва ота-оналик

ИЧШнинг фарзанди ҳам ногирон бўлиб туғилади, деган нотўғри фикр мавжуд. Шунингдек, ИЧШлар фарзанд кўра олмайди, агар кўрса ҳам, болани мустақил боқиб, катта қилолмайди, деб ҳисоблайдиганлар ҳам кам эмас. Айрим ҳолларда ақлий ОФЧка эга хотин-қизлар ўзлари беҳабар ёки розилик бермай туриб стерилизация қилинган ҳолатлари қайд этилган. “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция”нинг 23 моддаси никоҳ ва ота-оналикка бағишланади: унга кўра, ИЧШлар турмуш ва оила қуриш, фарзандлар сони ва улар орасидаги муддатга оид қарорларни эркин қабул қилиш, ёш, репродуктив саломатлик, оилани режалаштиришга оид маълумот олиш ва ўзининг репродуктив қобилиятини сақлаб қолиш ҳуқуқига эгадир (2).

Оила қуриш истаги

“Мен оила қуриб, уйим фарзандларга тўла бўлишини орзу қиламан. Аммо ота-онам менга турмуш қурмайсан, чунки оилангга қарай олмайсан, деб айтди. Мен ишонсизликдан ҳайратга тушдим” (5).

Зўравонлик

Зўравонлик ҳоллари жамиятнинг турли жабҳаларида, оилалар ва муассасаларда, мактаб ва иш жойларида, жамоат доирасида рўй бериши мумкин; бунинг учун турли одамлар масъулдир. Салбий аънавий муносабатлар ва беҳабарлик сабабли ИЧШлар орасида зўравонлик қурбонлари кўпроқ учрайди. Улар жисмоний, жинсий, руҳий ва маънавий камситилиш, беэтиборлик ва молиявий эксплуатацияга дуч келиши мумкин. Имконияти чекланган хотин-қизларнинг мажбурий стерилизация ва жинсий зўравонлик қурбони бўлиши эҳтимоли айниқса катта (6).

Таклиф этиладиган фаолиятлар

Бадном қилиниш, хуруфот ва камситишга чек қўйиш

Кўпгина жамиятларда ИЧШларга нисбатан салбий муносабат, нотўғри қарашлар ва ҳаракатлар мавжуд. ЖАР дастурлари уларга қуйидаги йўллар орқали чек қўя олади:

- ИЧШлар ҳақида ижобий тасаввурни шакллантириш ва бошқаларга ўрнатилган бўла оладиган ИЧШларни тарғиб қилиш учун оммавий ахборот воситалари билан ишлаш;
- жинсий ва репродуктив саломатликка оид хизматлар, масалан, оилани режалаштириш хизматидан ИЧШлар ҳам фойдалана олишини таъминлаш мақсадида тиббиёт ходимлари учун тренинглар ташкил этиш;
- Жамоатдаги етакчи инсонлар, масалан, диний арбобларни аҳолини ИЧдан бохабар қилиш, четлатиш ва камситишни қоралаб чиқиш ҳамда жамоатдаги нозик масалалар ҳақида мунозараларни олиб боришда рағбатлантириш.

Жинсий ҳаёт ИШЧ масаласини ўрганиш

Либерияда маҳаллий нодавлат ташкилоти томонидан бошқариладиган ЖАР дастури жинсий ҳаёт ва ИЧ масалалари билан ҳеч қачон шуғулланмаганини тушуниб, мавзуни ИЧШлар билан суҳбат ва мунозаралар орқали ўрганишга қарор қилди. Имконияти чекланган аёллар билан суҳбатлар натижасида жинсий масалалар ҳақида гапириш муҳимлиги аниқланди; аммо улар бундан жуда чўчирди. Улар, шунингдек, жинсий ҳаёт муҳим, чунки у бизга она бўлиш имкониятини беради, деб ҳисоблар эди, оналик эса жамиятда қадрланадиган роль. Айрим ҳолларда имконияти чекланмаган эркаклар имконияти чекланган аёлларга жинсий тажовуз қилгани аниқланди. Бу эса ИЧка салбий муносабат, яъни, соғлом эркак ногирон аёл билан очиқчасига муносабат қуришдан ор қилиши натижасидир.

Ота-оналарга ёрдам кўрсатиш

Ота-оналарнинг оталик ёки оналик ҳақида қарор қабул қилиши учун маълумот ва ёрдам талаб қилинади. ЖАР дастурлари имконияти чекланган ота-оналар ҳамда ИЧШларнинг ота-оналарини инobatга олиши лозим. Уларга куйидаги йўллар билан ёрдам бериш мумкин:

- ота-оналарга ёрдам кўрсата оладиган, масалан, жинсий ва репродуктив саломатлик, оналик ва болалик, оилавий ёрдам борасида маҳаллий хизматларни аниқлаш;
- имконияти чекланган ота-оналар ва имконияти чекланган болаларнинг ота-оналарини умумий хизматлар ҳамда дастурларга киритилиш ҳуқуқини ИЧШлар ташкилотлари ва бошқа гуруҳлар ёрдамида ҳимоя қилиш;
- ИЧШлар, айниқса аёллар ва ўсмирларнинг хизмат ва дастурларга киритилишини таъминлаш учун йўналтириш ва ёрдам тизимини яратиш;
- хизмат кўрсатувчи муассасалар билан биргаликда ЖАР тармоғи орқали қулай ва фойдаланса бўладиган шаклда жинсий ва репродуктив саломатлик ҳақида маълумот тарқатиш.



Мустақилликни тарғиб этишда оилалар билан ишлаш

Баъзи ҳолларда оилалар имконияти чекланган аъзоларини ҳимоя қиламан деб уйдан чиқармайди, бошқалар билан мулоқот қилишига йўл қўймайди ва бу билан уларнинг муносабат қуриш, қолаверса, турли қобилият ва кўникмалар ҳосил қилиш имкониятларини чеклайди. ЖАР дастурлари, оилалар билан куйидагиларни амалга оширишда ишлаши мумкин:

- оиланинг имконияти чекланган аъзосига оид хавотир ва ташвишларига жавобан ҳамда уларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеига доир маълумот тарқатиш, ёрдам кўрсатиш;

- оилаларга керагидан ортиқча ҳимоянинг салбий оқибатларини тушунишларида ёрдамлашиш;
- оила аъзоларини жамиятдаги ИЧка нисбатан салбий муносабат ва қарашларни ўзгартиришда кучли ҳимоячилар бўлишларига ундаш;
- ИЧШларни ўз эҳтиёжлари ва истакларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилишда қўллаб-қувватлаш.

Зўравонликнинг олдини олишга кўмаклашиш

Қандай шакл ва турдаги зўравонлик бўлмасин, у ЖАР ходимлари учун қийин масаладир. ЖАР дастурлари турли шароитларда (масалан: уй, мактаб, иш жойи ва жамоатларда) ишлар экан, ИЧШларни зўравонликдан ҳимояловчи кучли ижтимоий тармоқ ва ёрдам мавжудлигини таъминлай олади (Адолат қисмига қаранг). ЖАР дастурлари бу борада куйидагиларни амалга ошириши мумкин:

- зўравонлик белгилари ва кўринишларини аниқлаш ҳамда ИЧШларга ҳуқуқий маслаҳат ва ёрдамни қаердан олиш мумкинлигини кўрсатиш борасида ЖАР ходимларининг билими ва салоҳиятини ошириш;
- жамоатда зўравонлик ва ИЧ ҳамда ИЧШларни зўравонликдан ҳимоялаш чоралари борасидаги хабардорликни ошириш;
- тегишли манфаатдор томонлар (масалан, оилалар, ИЧШлар ташкилотлари, соғлиқни сақлаш ёки таълим соҳаси ходимлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, жамоат етакчилари, маҳаллий ҳокимият расмийлари) билан алоқа ўрнатиб, ИЧШларни зўравонликдан ҳимоялашдаги роли ҳақида суҳбатлашиш;
- иштирокчилар билан биргаликда ИЧШларга мўлжалланган зўравонлик ҳоллари ҳақида махфий (конфиденциал) равишда маълумот бериш тартибларини ишлаб чиқиш
- ИЧШларга зўравонлик ҳақида маълумот бериш ва уларни бундай ҳоллар ҳақида махфий (конфиденциал) равишда маълумот бериш тартибларидан хабардор қилиш;
- ИЧШларнинг жамоат тадбирлари ва ҳаётида фаол иштирок этиш ва бу билан ўзига бўлган ишончни ошириш, уларни зўравонликдан асрайдиган ижтимоий тармоқ тузиш имкониятига эгаллигини таъминлаш;
- зўравонлик қурбони бўлган ИЧШлар билан суҳбатлашиш, соғлиқни сақлашга қаратилган ёрдамлардан фойдаланиш имкониятини яратиш, ечим топиш ва вазиятни ўзгартиришда қўллаб-қувватлаш;
- ЖАР ходимлари ва кўнгиллилар ўтмишда судланмагани, зўравонлик билан боғлиқ жиноятга қўл урмаганлигини кафолатлайдиган дастурлар ва тартиблар мавжудлигини таъминлаш.



Ижтимоий тармоғи чекланган ИЧШларга ёрдамлашиш

Баъзи ИЧШларнинг оиласи бўлмади ёки оиласи уларга керакли ёрдам ва кўмакни бера олмайди. Шу боисдан уларнинг айримлари ИЧШлар ногиронлар уйларида, ётоқхоналарда, диний масканларда, махсус ажратилган жойларда бошпана топишга мажбур ёки уйсиз яшайдилар. Бундай ҳолларда ЖАР дастурлари қуйидагиларни амалга ошира олади

- ИЧШларни жамоатдаги тегишли ёрдам тармоқлари, масалан, ИЧШлар ташкилотлари ва ўзаро ёрдам гуруҳлари билан таништириш;
- ИЧШлар яшайдиган муассасалар билан ҳамкорлик қилиб, у ерда яшайдиган ИЧШлар жамоат ҳаётида фаол иштирок этиш имкониятига эгаллигини таъминлаш;
- ИЧШларни ўзи истаган жой ва тарзда яшашларида қўллаб-қувватлаш;
- уйсиз ИЧШларга мақбул бошпана топишда (имкон қадар, жамоатнинг ўзида) ёрдамлашиш;
- ИЧШлар яшайдиган жойларда зўравонлик белгилари бор-йўқлигини кузатувга олиш.



Маданият ва санъат

Кириш

“Маданият” сўзи турли маъноларга эгадир. Бироқ мазкур элементда у бир гуруҳ одамларнинг яшаш тарзини англатади. Шу сабабдан маданиятга кийим, озиқ-овқат, тил, қадриятлар, дин, урф-одатлар ва анъаналар киради. Санъат эса маданиятнинг узвий қисми бўлиб, унга адабиёт, рассомлик, ҳайкалтарошлик, кўшиқ, мусиқа, рақс, шунингдек, театр-кино санъати, фотография ва бошқ. киради.

Айрим одамлар, жамоатчилик ва жамиятнинг маданият ҳамда санъатга оид ҳаётига ИЧШларни жалб этишга ҳожат йўқ деб ҳисоблаши мумкин. Ижод, ўзини ифодалаш ва маънавият ИЧШлар учун муҳим эмас, дейдиганлар ҳам бор. Шу сабабдан, кўплаб оилалар ИЧШни тиббий кўрикка олиб борадилар, лекин маданий тадбирга олиб бориш ҳақида ўйлашмайди.

Маданий ҳаётда қатнашиш имконияти, бу ҳар бир кишининг инсоний ҳуқуқидир (қуйидаги маълумотга қаранг). Унинг алоҳида одамлар, оилалар, жамоатчилик ва бутун жамият учун фойдаси каттадир.

12-ЛАВҲА

“Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция”нинг, 30-моддаси: маданий ҳаёт, кўнгилочар тадбирлар, ҳордиқ чиқариш ва спортда иштирок (2)

1. Аъзо давлатлар ИЧШларнинг бошқалар билан тенг равишда маданий ҳаётда қатнашиш ҳуқуқини тан олади ва ИЧШлар а) қулай шаклдаги маданий материаллардан; б) қулай шаклдаги телевизион дастурлар, фильм, театр ва бошқа маданий фаолият кўринишларидан; в) маданий тадбирлар жойлари ва хизматлар, хусусан театр, музей, кинотеатр, кутубхона ва туризм хизматларидан фойдалана олишини таъминлаш учун тегишли чоралар кўради.
2. Аъзо давлатлар ИЧШларнинг ижодий, бадиий ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаш имкониятларига эга бўлишини таъминлаш чораларини кўради.
3. Аъзо давлатлар интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимояси ҳақидаги қонунларни асоссиз ва камситувчи тўсиқларсиз қўллашни таъминлаш учун халқаро ҳуқуқ доирасида тегишли чоралар кўради.
4. ИЧШлар бошқалар билан тенг асосда ўз маданияти ва тили борасидаги онги, шу жумладан имо-ишора тили ҳамда эшитиш қобилияти чекланган инсонлар маданиятининг эътироф этилиши ва қўллаб-қувватланишига ҳақли.

Болалар реабилитациясини санъат воситасида амалга ошириш

Колумбиянинг Букараманга шаҳрида фаолият юритадиган FANDIC (имконияти чекланган болаларнинг жамиятга қўшилиши учун дўстлар) жамғармаси имконияти чекланган болалар билан ишлайди. Унинг пировард мақсади ногирон болаларни ЖАР орқали жамият ҳаётига жалб этишдан иборат. Имконияти чекланган болалар учун рақс – жамғарма амалга ошираётган лойиҳалардан бири, унинг мақсадлари қуйидагича:

- жисмоний ва ижодий қобилиятларни ривожлантириш учун имконият яратиш;
- жамоада ишлаш ва интеграцияни қўллаб-қувватлаш;
- ИЧ борасидаги хабардорликни турли, масалан, шахсий, жамоат, ташкилот ва давлат даражасида ошириш

Ёши бешдан 21гача бўлган 12 бола жисмоний ва ақлий ОФЧка эга болалар рақс гуруҳида иштирок этадилар. Уларнинг ака ва опалари ҳам гуруҳда қатнаша олади, бунинг оқибатида оилавий иштирок ва интеграция чуқурлашади. Болаларни рақсга ўргатиш учун ҳафтасига бир марта профессионал ўқитувчи келиб дарс беради, қолган кунлари болалар билан кўнгиллилар ишлайди. Болалар бошида оддий рақсларни ўрганади, вақт ўтгач, мураккабларига ўтади. Бунинг устига болалар бошқа жисмоний машқларни бажаради, ижтимоий тадбирларда қатнашади. Болаларга меҳр берилади, уларнинг уринишлари рағбатлантирилади, ижобий баҳо берилади, натижада улар ўзларига ишонч ҳосил қиладилар.

FANDIC жамғармаси рақс ёрдамида қуйидагиларга эришиш мумкинлигига амин бўлди:

- имконияти чекланган болалар учун реабилитацияни қизиқарли ўйинларга айлантириш
- имконияти чекланган болаларнинг жисмоний ва бошқа қобилиятларини яхшилаш;
- бошқалар билан мулоқот қилиш имкониятларини яратиш
- имконияти чекланган болалар, оила аъзолари ва бошқалар орасидаги муносабатларни яхшилаш
- муносабатлардаги тўсиқларни бартараф этиш.



Мақсад

ИЧШлар ўз оиласи ва жамоатнинг маданият ҳамда санъат борасидаги ҳаётига ҳисса қўшади ва унда иштирок этади.

ЖАРнинг вазифаси

ЖАР дастурларининг вазифаси манфаатдор томонлар билан биргаликда ИЧШларнинг маданият ва санъат тадбирларида қатнашиб, улардан баҳраманд бўлишини таъминлашдан иборат.

Кутиладиган натижалар

- Ичка боғлиқ четлатиш ва камситилиш ҳолларини маданият ва санъат ёрдамида бартараф этилиши.
- ИЧШлар ва уларнинг оилаларини турли маданий ва санъат тадбирлари ҳамда фаолиятида қатнашиши.
- Ташкилот ва гуруҳларни ўзларининг маданий ҳамда санъат дастурлари ва фаолиятига ИЧШларни жалб этилишини қўллаб-қувватлаши.
- ИЧШларни оммавий маданий ва санъат тадбирларида иштирок этиши.
- Руҳий ҳамда диний етакчилар ва гуруҳлар ўз фаолияти, шунингдек тадбирларига ИЧШларни жалб этиши.

Асосий концепциялар

Иштирок турлари

ИЧШлар ўз оиласи ва жамоасининг маданий ҳаётига турли йўллар билан жалб этилади. Улар фаол иштирокчи бўлиши, масалан, продюсерлик, режиссёрлик, муаллифлик ва актёрлик билан бевосита машғул бўлиши, ёки оддий томошабин сифатида қатнашиб, спектакль, концерт ёки фильмлар томоша қилиши мумкин.

Иштирокнинг фойдаси

Маданият ва санъат тадбирларида қатнашиш нафақат ҳордиқ чиқариш, балки инсонга ўзини яхшироқ англаш имкониятини беради. Иштирок жараёни одамларнинг ўзига бўлган ишончи ва фаоллигини кучайтиради, ўз фикрига эга бўлиш ва уни ифодалаш имкониятини беради. Бунинг саломатлик учун ҳам фойдаси каттадир. Баъзи ИЧШлар учун маданий тадбирларда иштирок этиш ўзини тўла ва бошқалар билан мутлақо тенг равишда ифода этиш учун ягона имкониятдир.

Жамоатда ўтказиладиган маданий тадбирлар жамоа аъзолари ва жамоалар орасидаги ришталарни мустаҳкамлайди, жамоатчилик салоҳиятини оширади, жамоат тараққиётини рағбатлантиради.

ИЧШларни жамоатнинг маданий тадбирларига жалб этилиши, одамларда ИЧка нисбатан муносабат ижобий эканидан далолат беради.

Маданият ва санъат ижтимоий ўзгаришлар воситаси

Санъат доимо ноҳақлик ва камситишларга қарши курашишнинг энг самарали, таъсирчан йўли бўлган. Кўпинча у ажратиб қўйилган одамлар учун ўз фикрини ифодалаш ва нозик ёки таъқиқланган мавзуларни кўтаришнинг ягона воситасидир. ИЧШлар умумжамиятдаги ИЧ ҳақидаги нотўғри тасаввурларни ўзгартиришда кўпинча айнан санъатдан фойдаланганлар. ИЧШлар учун санъат инклюзив жамиятни бадиий тасвирлаб бериш воситасидир.

14-ЛАВҲА

Бангладеш

“Қоронғуда кўриш” (7)

2003 йил декабр ойида Бангладеш пойтахти Даккадаги Друпад галереясида ўтказилган “Қоронғуда кўриш” номли кўргазма катта муваффақият қозонди. У Жисмонан заифлар учун ижтимоий ёрдам ва реабилитация ҳамда Healthlink Worldwide деб номланган ташкилотнинг “адвокация учун мулоқот” лойиҳаси доирасида амалга оширилди. Кўргазмани яратишда 25 нафар кўриш ОФЧШ ва 5 нафар жисмоний ОФЧШ ҳамда хорижлик расом иштирок этди. Тадбирда нафақат кўргазма, балки унда ИЧШларнинг кундалик ҳаётидаги тўсиқларни тушуниш имконияти яратилди. Галерея тим қоронғу, Дакка кўчаларида ҳар куни эшитиладиган одатий товуш ва шовқинлар, рикшалар, боғлар, йўлаклар ва дўконлар. Кўзи ожиз гидлар кўргазмага келганларни залма-зал олиб юрди. Сўнгра улардан граффити туширилган деворда ўз фикр ва таассуротларини ёзиб қолдириш сўралди. Кўргазманинг ижобий натижалари: одамлар ИЧ масаласидан бохабар бўлди; лойиҳа қатнашчилари ва кўргазмага келганлар ўртасидаги ҳамкорлик чуқурлашди; Бангладеш Банки эса кўриш ОФЧШлари миллий валюта банкнотларини ҳажми бир хил бўлганлиги учун бир-биридан ажратиши қийин, деган масалани кўриб чиқишга ваъда берди.

Имконияти чекланган санъаткорлар

Кўплаб мамлакатларда ИЧШлар ўзларида ишонч пайдо қилиш, ИЧ борасидаги тўсиқлар ҳақида бонг уриш ва жамиятдаги бирдамликни ошириш учун санъат воситасидан фойдаланиб келадилар. Театр, рақс, адабиёт ва визуал санъат ИЧка инсон ҳуқуқлари ёндашувини тарғиб этиш учун қўлланилади. Имо-ишора тилида айтилган кўшиқлар, ногиронлар аравачасидаги рақс ва бошқа ноанъанавий ёндашувни ижодкор шахслар ва гуруҳлар таклиф этмоқда. Руҳий ИЧШлар орасида ўз тажрибаси ва кечинмалари билан ўртоқлашишнинг самарали йўли ёзиш, саҳнада ўйнаш ва визуал санъатдир.

Бошқаларга ўрнатқ бўлиш

Кўплаб имконияти чекланган санъаткорлар миллий ва халқаро сахнада танилди, бу билан ИЧ ҳақида хабардорликни оширишга муваффақ бўлди ва бошқалар учун намуна вазифасини бажарди. Кўплаб санъаткорлар ўз иқтидори орқали инклюзив жамоат тараққиётини тарғиб этади.

15-ЛАВҲА

Тинчлик элчилари хабардорликни оширишда кўмаклашмоқда

2009 йил 3-декабр куни (халқаро ИЧШлар куни) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти машҳур хонанда Стив Уандерни БМТнинг Тинчлик элчиси этиб тайинлади. Бутун дунёга донғи кетган санъаткор ИЧ масалаларига алоҳида урғу берилган фаолиятини бошлади. Тинчлик элчилари санъат, илм-фан, адабиёт, спорт ва бошқа соҳаларда кўпчилик томонидан тан олинган қобилият эгалари бўлиб, БМТ ғоялари ва фаолияти ҳақида кенг жамоатчилик хабардорлигини оширади. Учрашувлар, нутқлар ва халқаро матбуот билан интервьюлар ҳамда гуманитар фаолиятлар орқали улар БМТнинг дунё аҳли ҳаётини яхшилашга қаратилган саъй-ҳаракатлардан хабардор қилади (8).

Таклиф этиладиган фаолиятлар

Маданият ва санъатдан ижтимоий ўзгариш йўлида фойдаланишни рағбатлантириш

ИЧ борасидаги адвокация ва ахборот компаниялари маҳаллий маданият ҳамда санъатга мос воситалардан фойдаланса муваффақиятлироқ бўлади. Шу сабабли, ЖАР дастурлари ИЧ борасида ижтимоий ўзгаришга эришиш учун шундай воситалардан фойдаланиши керак. Дастурлар куйидагиларни амалга ошира олади:

- санъаткорлар билан биргаликда спектакллар, мусиқий тадбирларни ташкил этиш орқали жамиятдаги ИЧка оид нотўғри тасаввурлар ва камситилиш ҳолларига қарши курашиш;
- комедия, мултипликацион фильмлар ва оммабоп санъат имкониятларидан фойдаланиб, ИЧ ҳолатларига оид муаммоларни таъсирчан шаклларда ифода этиш;
- ИЧШлар ва ИЧ масала-муаммоларини санъат ва маданият, масалан, кинофилм ва театр томошалари ёрдамида ижобий тарзда намойиш қилинишини кўллаб-қувватлаш.

Маданий тренинга сармоя тикиш

Амаду ва Мариям Малидаги энг машҳур ҳамда халқаро саҳнада танилган муסיқачилардир. Улар ИЧ масалаларига эътибор қаратиш йўлида ва чекловларга барҳам бериш учун ўз иқтидорларини ишга солиб келмоқдалар. Улар имконияти чекланган ёшлар учун қобилият ва иқтидорларини ривожлантиришга қаратилган маданий тренинг дастурларини ташкил этадилар ва шундай йўллар билан орзу-умидларига эришишларида ёрдамлашадилар.



Оилалар иштирокини қўллаб-қувватлаш

ИЧШлар ва уларнинг оила аъзолари кўпинча ҳар турли гап-сўз ва камситилишлардан чўчиб, оммавий кўнгилоҷар тадбирларда қатнашишни истамайдилар, бунини ёдда тутиш лозим. Улар тўйлар, диний маросимлар, ресторан ва кинотеатрга боришдан тортинишлари ва уялишлари мумкин. ЖАР дастурлари оилалар билан қуйидаги ишларни олиб бориш орқали уларга ёрдам бериши муҳим:

- оила аъзоларини тинглаш ва ўз кўрқувларини ифодалаш, тан олиш ва ўзгартиришда рағбатлантириш;
- оилаларни ўзларига ўхшаш аҳволда бўлган бошқа оиланинг аъзолари билан таништириш;
- оилалардаги нотўғри қарашларни бартараф этиш ва ўзига ишончини ошириш, мақсад ва умидларига эришишда ёрдамлашиш учун уларни маҳаллий ИЧШлар ташкилотлари билан боғлаш.

ИЧШлар иштирокини қўллаб-қувватлаш

ЖАР дастурлари ИЧШлар иштирокини қуйидаги йўллар билан рағбатлантира олади:

- маданият ва санъат бобида ўхшаш қизиқишларга эга одамлар билан танишиш имкониятини яратиш, турли тадбирларда қатнашиб, ўзига ишончини кучайтириш учун уларни ИЧШлар ташкилотлари ва гуруҳлари билан боғлаш;
- санъат соҳасида ҳурмат қозонган имконияти чекланган санъаткорларни аниқлаб, уларни имкон қадар дастур фаолиятини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга жалб этиш;
- ИЧ ва санъатга оид махсус лойиҳалар ишлаб чиқишда манфаатдор томонлар билан биргаликда ишлаш;
- санъатнинг янги шакллари, масалан сукунат театри ва кенг жамоатчиликка мослаштирилган янги санъат турларини яратган ИЧШлар мисолларини тарғиб этиш ва қўллаб-қувватлаш;

- рақс, драма ва мусиқани ИЧШлар учун қўшимча терапия сифатида тарғиб этиш ва қўллаб-қувватлаш.

Умумий (айнан ИЧШлар учун эмас) ташкилот ва гуруҳлар билан ишлаш

ЖАР дастурлари, умумий ташкилот ва гуруҳларнинг ИЧШларни маданий дастурларга жалб этиш борасидаги малакаси ва ишончини оширишда катта роль ўйнай олади. ЖАР дастурлари қуйидагиларни амалга ошириши мумкин:

- ИЧШларнинг тенг иштирокини таъминлаш учун тегишли қулайликлар яратиш, масалан, бино (йиғинлар зали, ибодатхона, кинотеатр, сайёҳлар жойлари) ногиронлар аравачасида юриш учун мослаштирилган ёки ахборот материаллар қулай шаклда чиқарилганини таъминлаш учун иштирокчилар билан ишлаш;
- аёллар гуруҳлари билан ҳамкорлик ўрнатиб, имконияти чекланган хотин-қизларнинг умумий маданий дастурлардаги фаол иштирокини таъминлаш;
- имконияти чекланган болаларнинг ёшлигидан маданий тадбирларда қатнашиши ва унинг аҳамиятини тушунишини таъминлаш мақсадида ёш болалар, ва мактаб ўқувчиларининг инклюзив санъат таълимни рағбатлантириш;
- ИЧ ва иштирок борасидаги хабардорликни ошириш мақсадида ногиронлар ва ногиронлар ташкилотларини, турли маданий дастурлар ходимлари билан биргаликда, хилма-хиллик бўйича тренинглари ишлаб чиқиш ва ташкил этишда уларни қўллаб-қувватлаш;
- ИЧШларнинг маданият ва санъат дастурларини бошқариш ҳамда юритишда фаол иштирокини таъминлаш учун ушбу дастурлар доирасида шогирд тушиш ва иш топишни қўллаб-қувватлаш.

17-ЛАВҲА

Фаластин

Умумий маданий дастурлардаги иштирокни рағбатлантириш

2000 йилда Фаластинда ЖАР дастури бошлаган кичик бир ташаббусдан мақсад имконияти чекланган болаларни ёзги лагерларга юборишдан иборат эди. Ташаббус жуда муваффақиятли бўлди. Бугунга келиб ёзда барча лагерларга имконияти чекланган болаларни қабул қилиш умумий амалиётга айланган. Бунинг устига лагерларда ёш етакчилар ногирон болаларни йил давомида бошқа умумий дастурларга жалб этишга киришди. Масалан, “Золушка” спектаклидаги бош ролни имконияти чекланган қиз ўйнаши. Бу нафақат ИЧ борасидаги қарашларни ўзгартирди ва жамоатчилик хабардорлигини оширди, балки имконияти чекланган болалар учун ҳам ўрнатилган бўлди.

Руҳий ва диний етакчилар ҳамда гуруҳлар билан ишлаш

Руҳий ва диний етакчилар, ижтимоий ўзгаришларни илгари суришда кучли роль ўйнашлари мумкин; аммо улар, шунингдек, салбий қарашларни кучайтириши ҳам мумкин. Шу сабабли ЖАР дастурлари диний арбоблар ҳамда турли дин вакилларини ИЧШларнинг барча тадбирларига жалб этишда рағбатлантириши лозим. ЖАР дастурлари бу борада қуйидагиларни амалга ошира олади:

- етакчиларни ИЧ масаласидан ҳамда ИЧШларни руҳий ва диний тадбирларга жалб этишнинг аҳамияти ҳақида хабардор қилиш;
- ИЧШлар ва уларнинг оилаларига нисбатан жамоатдаги камситиш ва шикаст етказувчи амалиётга чек қўйишни рағбатлантириш;
- ИЧШларнинг диний тадбир ва дастурларда қатнашиши учун талаб қилинадиган шахсий ёрдамга эгаллигини таъминлаш;
- диний маълумотни ИЧШлар эҳтиёжларига мослаштириш, масалан, ибодат ва суҳбатлар пайтида имо-ишора тили таржимонидан фойдаланиш, диний китобларнинг Брайль ва аудио шаклларини чиқариш борасида етакчиларга маслаҳат ва ёрдам бериш;
- ибодатхоналар жисмоний ИЧШ учун қулай, диний йиғин ва тадбирлар улар эҳтиёжларига мослаштирилган бўлишини таъминлашда етакчилар билан ишлаш.



Дам олиш, бўш вақт ва спорт тадбирлари

Кириш

Маданият ва санъат каби, дам олиш, бўш вақт ва спорт тадбирлари жамоатда катта роль ўйнайди. Уларнинг фойдали томонлари орасида саломатликни мустаҳкамлаш, инсоннинг ўзига ишончи, фаоллиги ва иштирокини ошириш, инклюзив жамият тараққиётини тарғиб қилишлар бор. Дам олиш, бўш вақт ва спорт тадбирларида алоҳида шахслар, кичик гуруҳлар, жамоалар ёки бутун жамоат қатнашиши мумкин. Улар турли ёш, малака, қобилият ва кўникмалар эгаларига тааллуқлидир. Дам олиш, бўш вақт ва спорт тадбирлари турлари маҳаллий шароитларга боғлиқ ва одатда ижтимоий тизим ва маданий қадриятларни акс эттиради.

Дам олиш, бўш вақт ва спорт тадбирларида иштирок этиш ИЧШлар учун оиласидан ташқари жамиятга ҳам аралашининг ягона имконияти бўлиши мумкин. Бундай тадбирларда иштирок этиш ҳуқуқи қуйида таъкидланади. Маданият ва санъат каби, дам олиш, бўш вақт ва спорт тадбирларида ИЧШлар иштирокчи (масалан, баскетбол жамоаси ўйинчиси сифатида) ёки томошабин (масалан, спорт ўйинлари томошабини сифатида) қатнашиши мумкин.

18-ЛАВҲА

“Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция”нинг, 30-моддаси, 5-банди: маданий ҳаёт, дам олиш, бўш вақт ва спорт тадбирларида қатнашиш (2)

ИЧШларни мунтазам равишда дам олиш, бўш вақт ва спорт тадбирларида бошқалар билан бир қаторда қатнашишини таъминлаш мақсадида аъзо давлатлар тегишли чоралар кўради ва а) ИЧШларнинг барча қатламлардаги умумий спорт тадбирларида имкон қадар тўла иштирокини рағбатлантиради ва тарғиб қилади, б) ИЧШларга мўлжалланган спорт ва кўнгилочар тадбирларни ташкил этади, ишлаб чиқади ва иштирок этади, в) ИЧШлар учун спорт, дам олиш масканлари ва туризм жойларидан фойдаланиш имконини яратади, г) имконияти чекланган болаларнинг бошқа болалар билан бир қаторда ўйин, дам олиш, бўш вақт ва спорт тадбирларида қатнашишини таъминлайди, д) дам олиш, туризм, кўнгилочар ва спорт тадбирларини ташкил этувчи томонлар хизматларидан фойдаланиш имкониятини яратади.

Спортдан ижтимоий инклюзия ва шахсий камолот учун фойдаланиш (9)


Спорт ижтимоий инклюзия ва шахсий камолот воситаси деб номланган лойиҳа “Handicap International” халқаро ташкилоти томонидан Марокашда 2007 йилда бошланган эди. “Handicap International” ташкилоти ундан олдин (2004 йилда) ўтказган сўровга кўра, Марокашликлар орасида 1,5 миллиондан зиёд ИЧШ бор. Дастурдан мақсад ИЧШларнинг спорт тадбирларида қатнашиш имкониятларини кенгайтириш ва реабилитация, тиббий хизмат ва ижтимоий интеграциядаги тенгсизликка қарши курашдан иборат эди.

Дастур учта асосий соҳага эътибор қаратди:

1. Салоҳиятни ошириш ва Марокаш институтлари билан алоқа ўрнатиш - дастур ходимлари Марокаш Қироллиги спорт федерацияси (спорт соҳаси мутахассислари, аммо ИЧ бўйича тажрибаси кам) ва ШЧШлар саломатлиги ва таълими соҳасида фаолият юритувчи ИЧШларнинг 600та уюшмаси билан ишлаб, уларга стратегик, миллий ва халқаро ҳамкорликни йўлга қўйишда ёрдамлашди. ИЧШлар учун кичик лойиҳалар ва спорт клубларига менежмент, лойиҳа ишлаб чиқиш, маблағ топиш ва бошқа масалаларда тренинглар ташкил этишда ёрдам берилди.
2. Мослаштирилган спорт жиҳозлари, шу жумладан ногиронлараравачалари, кийим ва бошқа ускуналар, масалан, кўзи ожизларни овоз чиқарадиган тўплар билан таъминлаш.
3. Инклюзив спорт тадбирларини ташкил этиш: халқаро ИЧШлар куни 2000 нафар имконияти чекланган ва имконияти чекланмаган югурувчилар иштирокида “Барча учун пойга” деб номланган тадбирлар уюштирилди. Ва яна имконияти чекланган ўйинчилар учун катта футбол ўйини ўтказилди ва Марокаш Қироли унга ҳомийлик қилди. Финал мусобақа миллий телевидение орқали намойиш этилди, уни тахминан 20 минг одам томоша қилди.

Дастур қуйидагича натижаларга эришди:

- 1500 ИЧШ спорт клублари ва спорт тадбирларига жалб қилинди;
- ИЧШлар юқори сифатли хизматдан, мослаштирилган мақбул технология ва жиҳозлардан ҳамда маслаҳат бера оладиган ихтисослашган ходимлар ёрдамидан фойдаланиш имкониятини қўлга киритди;
- ИЧШлар бошқалар билан танишиб, мулоқот қилиш имкониятига эга бўлди.



Мақсад

ИЧШ ҳам бошқалар каби дам олиши, бўш вақтини самарали ўтказиши ва спорт тадбирларида фаол иштирокчи ва томошабин сифатида қатнашиши.

ЖАРнинг вазифаси

ЖАРнинг вазифаси ИЧШларни дам олиш, бўш вақтларини самарали ўтказишлари ва спорт тадбирларида иштирокини тарғиб этиш, умумий ташкилот ва дастурларга ёрдам кўрсатиб, дам олиш, бўш вақтлари ва спорт борасида зарур тадбирлар таклиф этиш орқали уларнинг салоҳиятини оширишдан иборат.

Кутиладиган натижалар

- ИЧШларнинг дам олиш, бўш вақт ва спорт фаолиятларига доир жамоатда мавжуд дастурларда қатнашиши.
- Маҳаллий, миллий ва халқаро даражадаги расмийлар ва уюшмаларнинг дам олиш, бўш вақт ва спорт тадбирларига ИЧШларни жалб этиши.
- Оилалар, ўқитувчилар ва жамоат аъзолари томонидан ИЧШларнинг дам олиш, бўш вақт ва спорт тадбирларида қатнашиш ҳуқуқи ва қобилиятини тан олинishi ва фаол тарғиб қилиниши.
- Имконияти чекланган ва чекланмаган инсонларни биргаликда дам олиш, бўш вақт ва спорт тадбирларида иштирок этиши.
- ИЧШлар дам олиш масканлари ва спорт муассасаларидан қулай ва бемалол фойдалана олиши.
- Дам олиш, бўш вақт ва спорт фаолиятлари учун ишлатиладиган жиҳозларни имкон қадар ИЧШларнинг эҳтиёжларига мослаштирилиши.
- Заруриятга қараб дам олиш, бўш вақт ва спорт дастурларини ИЧШлар учун ишлаб чиқилиши

Асосий концепциялар

Таърифлар

Мазкур элементда:

Дам олиш деганда, жисмоний ва руҳий дам олиш ҳамда дам олиш вақтини қизиқарли ўтказиш мақсадида амалга ошириладиган барча турдаги фаолият тушунилади. Мисол учун, сайр қилиш, сувда сузиш, медитация, китоб ўқиш, ўйин ўйнаш, рақсга тушиш шулар жумласига киради

Бўш вақт деганда одамларнинг ҳар кунги мажбуриятлардан (масалан, иш ва уй юмушлари) эркин равишда дам олиши ва ҳаётдан баҳраманд бўлиши учун ажратилган вақт тушунилади. Бўш вақтида одам дам олади ва спорт тадбирларида қатнашади.

Спорт тадбирлари деганда ташкил этилган ҳар қандай жисмоний фаолият, масалан, футбол, регби, баскетбол ва шу кабилар назарда тутилади.

Жамоатда дам олиш, бўш вақт ва спорт тадбирлари

Аксарият кам ривожланган мамлакатларда одамлар тирикчилик деб тинимсиз ишлашга мажбур, шу боис кўнгилочар фаолият тушунчаси бу жойларда яхши анланмаган ёки устувор мақсад эмас. Ривожланган мамлакатларда дам олиш ҳисобланган фаолият турлари кам ривожланган мамлакатларда тирикчилик манбаи бўлиши мумкин, масалан, балиқчилик ёки ҳунармандчилик.

Аксарият жамиятларда одамлар қатнашадиган дам олиш ва спорт турлари уларнинг ёши, жинси, маҳаллий шароитлари (масалан, қишлоқ ёки шаҳар) ва ижтимоий-иқтисодий мавқеига боғлиқдир. Мисол учун, камбағал жамиятларда болалар ўйинларда табиий материаллардан фойдаланади (таёқчалар, тошлар, эски автомобил филдираклари, арқонлар каби). Кўнгилочар фаолият ҳам кўпинча маҳаллий маданий фаолиятлар билан боғлиқ, масалан, анъанавий рақслар, ҳикоя айтиш, диний байрам ва тадбирлар, масхарабоз ва дорбозларни томоша қилиш билан машғул бўлади.

Кўпгина камбағал қишлоқларда одамларнинг дам олиши учун алоҳида ажратилган жойлар, масалан, жамоат марказлари ва спорт стадионлари йўқ, шу сабабли одамлар одатда ибодатхоналар, чойхона, уй ва очиқ жойларда йиғилади.

Кам ривожланган мамлакатларда жамоатлар бюджети чекланган ва бошқа масалалар устувор ҳисобланади. Шу боис дам олиш, спорт фаолияти ва дастурлари одатда донорларга боғлиқ бўлади. Барча фаолият ва дастурларни маҳаллий шароитларга мослигини таъминлаш учун ташқи манбалардан келаётган маблағ эҳтиёткорлик билан сарфланиши лозим.

Иштирокнинг фойдаси

Дам олиш ва спорт фаолиятида иштирок этиш ҳамма (соғлом, носоғлом) учун фойдали бўлади. Фойдалар жумласига қуйидагилар кирилади:

- **саломатлик тарғиботи ва касалликларни олдини олиш** – дам олиш ва спорт фаолияти саломатликни мустаҳкамлашнинг самарали йўли; улар орқали тушкунликни камайтириш, жисмоний ва руҳий аҳволни яхшилаш, юрак хасталиклари каби сурункали касалликларни олдини олиш мумкин;
кўникмаларни ривожлантириш – дам олиш ва спорт фаолиятида қатнашиш орқали кўникмаларнинг кўплаб турлари, шу жумладан жисмоний ва ижтимоий кўникмаларни ривожлантириш мумкин;
хабардорликни ошириш, чеклов, камситиш ҳолларини камайтириш ва ижтимоий иштирокни ошириш – дам олиш ва спорт фаолияти ИЧШларнинг жамиятга қўшилишини кучли ҳамда арзон воситаси; бундай фаолият орқали барча ёш ва турли қобилиятларга эга одамларни бўш вақтларини яхши ўтказишлари учун бирлаштириб, ИЧШларни ўз кучи ва қобилиятларини намойиш қилиш ҳамда ИЧ ҳақида ижобий тасаввурни тарғиб этиш мумкин;
- **халқаро тинчлик ва тараққиёт** – спорт тинчлик, бағрикенглик ва бирдамликни кучайтирувчи умумбашарий восита бўлиб, у чегара, маданият ва динлардан қатъий назар одамларни бирлаштириш, яқинлаштиришга қодир (10);
- **қудратни ошириш** – дам олиш ва спорт фаолияти ИЧШларга ўзига бўлган ишонч ва қадр-қимматни ошириш, жамиятдаги фаолликни кучайтириш имкониятини беради.

Уруш фахрийлари бошқалар учун ўрнатилган

Эритреядаги ИЧШ бўлиб қолган уруш фахрийлари футбол жамоасининг менежери ва тренери (мураббийси) бўлиб ишлаш учун тренингларда иштирок этишди. Болалар учун футбол ўйинлари уюштириш имкониятига эга бўлишгандан кейин улар пойтахт Асмарада 2000 бола учун шундай мусобоқа ташкил этилди. Бу фаолият уруш фахрийлари ҳаётини тубдан ўзгартирди, муҳими, ўзларига бўлган ишончлари ортди. Болаларнинг ИЧШлар ҳақидаги тасаввурлари яхши томонга ўзгарди. Уруш фахрийлари бошқа ИЧШлар учун ўрнатилган бўлди. Бу муваффақиятга асосланиб, спорт клуби эшитиш қобилияти чекланган болалар учун футбол бўйича машғулотлар ташкил этиди ва бу билан имконияти чекланган болаларга спорт билан шуғулланиш шароитини яратди.

Дам олиш ва спорт - бошқа имкониятларга қўшимча фаолиятлар

Дам олиш ва спорт фаолиятининг кўплаб фойдали томонларига урғу берилган бўлсада, уларга бошқа фаолият турлари, масалан таълим ва бандликни ўрнини босувчи сифатида қарамаслик керак.

Велосипедчилар учун тренинглар

Афғонистон Ислом Республикасида фаолият юритадиган бир реабилитация дастури (The Afghan Amputee Bicyclists for Rehabilitation and Recreation) оёғи ёки қўли ампутация қилинган велосипедчилар учун тренинглар ташкил этади. Бу эса уларнинг ҳаракатланиш қобилиятини ривожлантириш баробарида, бошқаларга қарамликни камайтириш, яъни мустақил равишда саёҳат қилиш, ишлаш, ишга велосипедда қатнаш ва бу билан транспорт харажатларини камайтириш имкониятини беради.

Дам олиш, бўш вақт ва спорт тадбирлари учун имкониятлар яратиш

ИЧШларнинг дам олиш ва спорт фаолиятидаги иштирокини таъминлашда оқилона қулайликлар яратиш зарурияти туғилиши мумкин. Масалага ижодий ва эркин ёндашилса, фаолият турлари ва жиҳозларни арзон ёки текинга ИЧШлар эҳтиёжларига мослаштиришнинг иложи бор, бу билан уларнинг дам олиш ва спортдаги имкониятлари анча ошади.

Спорт фаолиятларини мослаштириш

Ўйин ва ҳисоб қоидалари бироз ўзгартирилса, ўйинда ҳар хил қобилиятга эга инсонлар ҳам, кексалар ҳам қатнаша олади. Бу ҳеч қандай маблағ талаб қилмайди. Маҳаллий материаллардан ИЧШлар учун спорт жиҳозлари, масалан, буғдой солинган қовоқдан товуш чиқарадиган тўп ясаш, ёки ўйинчиларни жуфтларга бўлиб, барчанинг спорт ўйинларидаги иштирокини таъминлаш мумкин.

Таклиф этиладиган фаолиятлар

Жамоатда дам олиш, бўш вақт ва спорт фаолиятлари учун имкониятларни аниқлаш

Биринчи навбатда жамоат ва унинг атрофида дам олиш, бўш вақт ва спорт фаолиятлари учун қандай имкониятлар борлигини аниқлаш лозим. ЖАР дастурларига ушбу мақсадда жамоат гуруҳлари, масалан, ёшлар ва хотин-қизлар гуруҳлари, болалар клублари ва ИЧШлар билан ҳамкорлик қилиш тавсия этилади.

ШЧШлар иштироки учун имконият яратиш

Фаолият тури ёки тадбир қуйидаги шароитларда муваффақиятли бўлади: одамлар ва жамоалар талабларидан келиб чиқса, маданий жиҳатдан мақбул бўлса, иштирокчилар ундан баҳраманд бўлса, унга тайёргарлик кўриш ва амалга ошириш қиммат бўлмаса. Дам олиш ва спорт тадбирларида ИЧШлар иштирокини таъминлаш учун ЖАР дастурларига қуйидагиларни амалга ошириш тавсия этилади:

- ИЧШларга жамоатдаги дам олиш ва спорт имкониятлари ҳақида маълумот бериш;
- ИЧШларни умумий дам олиш масканлари, спорт клублари ва уюшмалари билан боғлаш;
- мактаблардаги дам олиш ва спорт тадбирларида иштирок этиш борасида имконияти чекланган болалар бошқа болалар билан тенг имкониятларга эгаллигини таъминлаш;
- ИЧШларнинг фаол иштирокчи ёки томошабин сифатида тадбирларда қатнашиши учун шахсий ёрдам олиш имкониятларини ўрганиш;
- ИЧШларнинг дам олиш ва спортда иштирок этиши ҳақида матбуотда ижобий имиж яратиш ва бу билан тадбирларга кўпроқ одам жалб этиш.

Кўнгилочар ва спорт тадбирлари орқали инклюзия ҳақидаги хабардорликни ошириш

Халқаро ИЧШлар куни каби муҳим саналар маҳаллий ва миллий миқёсда инклюзив дам олиш ва спорт тадбирлари ҳақида хабардорликни ошириш имкониятини беради. Бундай тадбирлар оммавий ахборот воситалари эътиборини ўзига тортади, бу эса барча одамлар орасида хабардорликни ошишига олиб келади.

Кўзи ожизларнинг крикет бўйича Жаҳон чемпионати

Покистонда ўтказилган Кўзи ожизларнинг крикет бўйича Жаҳон чемпионати муваффақиятидан сўнг айрим ЖАР дастурлари шуни қайд этдики, кўриш ОФЧка эга болалар учун таълим, дам олиш ва спорт борасидаги имкониятлар билан қизиқаётган ота-оналар сони анча ошган.

Умумий дастурларни инклюзив бўлишда рағбатлантириш

Аксарият ҳолларда дам олиш ва спорт бўйича умумий дастурлар ИЧШларни эътиборсиз қолдиради. ЖАР дастурлари ушбу дастурлар билан биргаликда уларнинг фаолияти ва тадбирларида ҳамма қатнашиши мумкинлигини таъминлаш устида ишлаши лозим. ЖАР дастурлари бу борада қуйидагиларни амалга ошира олади:

- миллий ва халқаро ташкилотлар билан бамаслаҳат равишда дастурларнинг маданий ва географик жиҳатларини инобатга олиши, турли ёш, жинс ва қобилият эгалари учун очиқ бўлишини таъминлаш;
- фаолият тури, жиҳозлар ва жой хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ИЧШларга мослаштириш борасида маслаҳат ва тавсиялар бериш, кўпгина фаолият турларини арзон ёки бепул ўтказиш мумкинлигига урғу бериш;
- ИЧШлар билан ишлашни ўргатиш мақсадида умумий дастур ходимлари учун тренинглар ташкил этиш;
- дам олиш ва спорт борасида имкониятлар мавжудлиги ҳамда ИЧШларни уларда қатнаша олишини ИЧШлар ташкилотлари билан биргаликда илгари суриш.

Кам ривожланган мамлакатлардаги ИЧШларни дам олиш, бўш вақти ва спорт фаолиятлари борасида уларни турли тадбирларга жалб этиш бўйича қўшимча маълумот ва мисолларни *“Қизиқарли ва инклюзив қўлланма” (Fun and inclusive handbook) (11)* а *“Спорт, дам олиш ва ўйин” (Sport, recreation and play) (12)* китоблардан топиш мумкин.

Мактабда спорт кунлари

ЖАР дастурлари, инклюзив бўлиши учун мактабларда спорт кунларини ўтказишни рағбатлантириши мумкин. Спорт кунлари давомида имконияти чекланган ва чекланмаган болалар биргаликда спорт ўйинларида иштирок этади, бу эса мактаб ўқувчиларига ИЧ масаласидан бохабар бўлиш ва уни тушуниш имконини беради. Тадбирлар барча учун, хусусан болалар, ота-оналар, ўқитувчилар, кўнгилчилар ва спорт соҳаси расмийлари учун фойдалидир, ҳамда улар ИЧ ҳақидаги нотўғри тасаввурларни ўзгартириб, имконияти чекланган болаларнинг спорт борасидаги қобилиятлари ҳақида ижобий фикрни шакллантиради.

Айнан ИЧка қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлаш

Махсус ИЧ дастурлари ИЧШларга бошқа ИЧШлар билан учрашиш, қобилият даражаси бир хил бўлганлар учун бир-бири билан беллашиш имконини беради. ЖАР дастурлари қуйидагиларни амалга ошира олади:

- дастур ишлаб чиқиладиганида ИЧШлар орасидан лидерни аниқлаб, улардан қарорлар қабул қилиш жараёнида кучли роль ўйнашини талаб қилиш ва бу билан дам олиш ва спорт дастурлари уларнинг эҳтиёжларига мослигини таъминлаш;
- ўзининг дам олиш, спорт гуруҳи ёки клубини тузмоқчи бўлган ИЧШлар учун тегишли тренинглар уюштириш ва ресурслар билан таъминлаш;
- ИЧШларнинг маҳаллий дам олиш, спорт гуруҳи ва клубларига миллий ва халқаро ташкилотлар, масалан, Интеллектуал ИЧШлар халқаро спорт федерацияси, Халқаро паралимпик қўмитаси, Махсус Олимпиада интернешнл ва Эшитиш қобилияти чекланган инсонлар учун спорт халқаро қўмитаси билан алоқа ўрнатишда ёрдамлашиш.

Бангладеш

Шахмат ёрдамида танишиш

Бангладешдаги кўриш ОФЧШларнинг энг катта тармоқларидан бири Брайль шахмат клуби бўлиб, унга қишлоқ ва шаҳарларда фаолият юритадиган клублар киради. Ушбу тармоқ нафақат шахмат ўйнашни ўрганиш ва маҳоратни чархлаш, балки бир хил қизиқишларга эга одамлар билан танишиш ва мулоқот қилиш имконини беради.

Адолат

Кириш

Адолатли ҳимоядан фойдаланиш ниҳоятда кенг тушунча бўлиб, у ИЧШларнинг адлия тизими, тартиблари, маълумот ва жойларидан фойдаланиш имкониятини англатади (13). Барча одамлар эркин туғилади ва тенг кадр-қимматга ва ҳуқуқларга эга (14), ва шу боис улар шаъни ва ҳуқуқлари бузилганда адолатли ҳимоядан фойдаланишда тенг ҳуқуққа эга бўлиши лозим (15).

Инсонларга зарар келтирадиган муносабатни бошидан кечирган, масалан, жиноятчилик қурбони бўлган одам одатда мамлакат одил судлов тизимига мурожаат қилади. Адолатли ечим инсон ҳуқуқи, айтилиши вақтда у барча бошқа инсон ҳуқуқларидан баҳраманд бўлишда катта аҳамиятга эга, масалан, ИЧШ ишга олинмаса, у ечим топиш учун, одил судлов тизимига мурожаат қила олади (13).

Заиф гуруҳлар, шу жумладан ИЧШларнинг аксарияти адолатли ҳимоядан фойдаланишда турли тўсиқларга дуч келадилар (15). Адолатга эришмаса, улар ўз овозига эга бўлолмайди, ўз ҳуқуқларидан фойдалана олмайди, камситишларга қарши кураша олмайди ва қарор қабул қилувчиларни жавобгарликка тортолмайди (16), натижада улар янада заифлашиб, бошқалардан ажралиб қолади (15).

Мазкур элементда, ИЧШларнинг адолатли ҳимоядан фойдаланиш имкониятларига бағишланган айрим концепциялар ҳақида маълумот ҳамда ЖАР дастурлари адолатли ҳимоя излаган ИЧШларга улар дуч келадиган тўсиқларни бартараф этишда қандай ёрдам кўрсатилиши ҳақида таклифлар берилади. ИЧШларнинг адлия маъмуриятидаги иштироки (масалан, гувоҳ, судья, ҳуқуқшунос, адвокат ва ҳ.к. сифатида) катта аҳамиятга эга бўлсада, бироқ ушбу элементга киритилмаган.

26-ЛАВҲА

“Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция”нинг, 13-моддаси: Адолатга эга бўлиш (2)

1. Аъзо давлатлар ИЧШлар учун бошқалар билан тенг равишда адолат топишнинг самарали йўлларини яратади, хусусан жараёнлар ва ёш жиҳатидан тегишли ўзгартиришлар (мослаштириш) киритиш орқали уларга бевосита ва билвосита, шу жумладан, гувоҳ сифатида, барча жараёнлар, хусусан тергов ва бошқа босқичларда, қатнашиш имконини беради.
2. ИЧШлар учун адолатга эришишдаги имкониятлар яратиш мақсадида аъзо давлатлар адлия соҳаси, шу жумладан полиция ва қamoқхоналар ходимлари учун тегишли тренинглар ташкил этишни тарғиб этади.

Жамоатдаги салбий муносабат туфайли Нецанест дуч келган қийинчиликлар

Нецанест 14 ёшли қиз. У ёшлигида кўр бўлиб қолган, лекин бу қачон ва қандай рўй берганини эсполмайди. Қишлоқда катта бўлар экан, қиз ўзини мутлақо фойдасиз деб ҳис этар, одамлар унга кўпинча “авер” (кўзи ожиз инсонларга нисбатан ишлатиладиган сўз, у “аҳмоқ” деган маънони ҳам англатади) деб мурожаат қиларди. Уйга меҳмон келганида қиз оиласини уялтирмаслик учун яшириниб олар эди, қишлоқда байрам бўлса, қиз уйда ўтиришга мажбур қилинарди.

Бир куни меҳмонга келган холаси бошқа қишлоқда кўзи ожиз болалар учун мактаб борлигини айтди. Ота-онаси розилиги билан Нецанест мактабга бора бошлади. Мактаб қизга ёқди, кўп ўтмай у ўқиш ва ёзишни, овқат пишириш ва қишлоқда ёрдамсиз, бир ўзи юришни ўрганди. У ҳатто янги дугоналари билан яшаши учун ижарага алоҳида уй олди.

Бир куни қишлоқда яшайдиган бир эркак Нецанестга у билан ётишни сўраб, эвазига пул ваъда қилди, бу пулга ўқийсан, деб айтди. Нецанест таклифни рад этиб, “мен турмушга чиқишга тайёр эмасман, ўқишим керак”, деди. Бир неча кун ўтгач, Нецанестнинг дугоналари уйда йўқ пайтида, у одам яна келди ва таклифини такрорлаб, “рози бўлсанг, ҳаётинг енгиллашади, бу муносабат фақат орамизда қолади”, деб айтди. Нецанест яна рад жавобини берди. Бироқ эркак қизга ташланди ва унинг номусига тегди. Қиз ҳар қанча бақирмасин, ҳеч ким ёрдамга келмади.

Эртасига ҳодисадан хабар топган ўқитувчилар қизни полицияга олиб бордилар. Ёрдам бериш ўрнига полиция зобитлари Нецанестга “ҳаммасига ўзинг айбдорсан”, деб айтдилар. Қишлоқда яшовчи яна бир неча кўзи ожиз қизлар шундай жинсий тажовузга учраган эди, бироқ одамларнинг ИЧка ёмон муносабати туфайли ҳамма уларнинг ўзини айбдор деб ҳисобларди. Хабар бутун қишлоққа тарқалгач, эркакнинг онаси Нецанест олдига келиб, унга “Бу нимаси?

Аввал ўзинг ўғлимнинг бошини айлантирдинг, у сени деб гуноҳга ботди, энди ёмон отликқа чиқармоқчимисан бизни”, деб бақира кетди.

Ҳодисадан хабар топган Нецанест ота-онаси нима қилишини билмай, хуноб бўлди. Бир томондан, улар қизнинг аҳволидан ташвишланиб, оиласи шаънига доғ тушганидан хавотирда бўлса, бошқа томондан, адолат топмоқчи эди



Мақсад

ИЧШлар бошқалар билан тенг равишда адолатга эришиб, бу билан инсоний ҳуқуқларидан тўла баҳраманд бўлади.

ЖАРнинг вазифаси

ЖАРнинг вазифаси жамоатчиликни ИЧШлар ҳуқуқлари тўғрисидаги хабардорлигини ошириш, ИЧШлар ва уларнинг оилалари камситилиш ҳамда ажратилиш ҳолларига дуч келганида, адолатга эришишда ёрдамлашишдан иборат.

Кутиладиган натижалар

- ЖАР дастурлари, эҳтиёж туғилганида ИЧШларни адолатга эришишида қўллаб-қувватлаши
- ИЧШлар ўз ҳуқуқлари тўғрисида тушунчага эга бўлиши ва адолатга эришиш борасида имкониятлар ҳамда тартибларни яхши билиши.
- Адлия тизимидаги тегишли манфаатдор томонлар ИЧШлар эҳтиёжларини яхши тушуниши ва уларни камситмаслиги
- Ҳуқуқлари бузилганда ИЧШлар адолатга эришишнинг норасмий механизмларидан фойдалана олиши.
- Ҳуқуқлари бузилганда ИЧШлар адолатга эришишнинг расмий механизмларидан фойдалана олиши.

Асосий концепциялар

Ҳуқуқ эгалари ва мажбурият юклатилган шахслар

ИЧШлар ҳуқуқлари ва уларнинг адолатга эришишга интилишини ўрганаётганда ҳуқуқ эгалари ва мажбурият юклатилган шахслар ўртасидаги фарқни тушуниш катта аҳамият касб этади.

Ҳуқуқ эгалари – ИЧШлар ҳуқуқ эгалари ҳисобланади, яъни улар ҳам ҳуқуқ, ҳам мажбуриятларга эга. Ҳуқуқ эгалари сифатида улар, масалан, саломатлик, таълим, даромад олиш, ер, уй-жой ва сиёсий иштирокка ҳақли. Бу ва бошқа ҳақ-ҳуқуқлар “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция”да қайд этилган (2).

Мажбурият юклатилган шахслар – кимдир ҳуқуққа эга бўлса, яна кимдир бу ҳуқуқни ҳурмат қилиши, ҳимоя қилиши ва амалга ошириш учун масъул. Мажбурият юклатилган шахслар сирасига миллий ва маҳаллий даражадаги давлат ва нодавлат (масалан, нодавлат ташкилотлар, диний етакчилар, ота-оналар) иштирокчилари киради. Давлатларнинг мажбуриятлари “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция”да қайд этилган (2).

Адолатга эришиш йўлидаги тўсиқлар

Кўпгина ҳолларда фақат бадавлат, сиёсатчилар орасида таниши бор ва шаҳарларда яшовчи одамлар адолатга эриша олади. ИЧШлар, айниқса аҳоли даромади паст ва ўртача бўлган мамлакатларда яшовчилар ўз ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш йўлида турли тўсиқларга дуч келади. Тўсиқлар куйидагича:

- ИЧШларни ҳимояловчи қонун ва сиёсий дастурларнинг йўқлиги - кўпгина мамлакатларда улар ҳуқуқларини ҳимояловчи махсус қонунларнинг йўқлиги (15);
- жисмоний тўсиқлар - ИЧШлар полиция участкалари, суд ва бошқа биноларга кириш имкониятидан маҳрум бўлади (13);
- мулоқотдаги тўсиқлар - ИЧШлар агар тегишли қулайликлар (масалан, имо-ишора тили таржимони) яратилмаса, адлия тизими ходимлари билан самарали мулоқот қила олмайди;
- фойдаланса бўладиган шаклда тақдим этилган маълумотнинг камлиги - бундай маълумотсиз ИЧШлар адлия тизими қандай ишлашини тушунмаслиги, ўз ҳуқуқлари ва имкониятларини билмаслиги мумкин (13);
- иқтисодий тўсиқлар – адвокат хизмати, суд иши учун тўлов ва ҳ.к. ИЧШлар учун қимматлик қилиши мумкин;
- эҳтиёжларни тушунмаслик - полиция ва бошқа расмийлар ИЧШларни адолатга ва маълумотга эга бўлиш эҳтиёжи ва улар учун тегишли қулайликлар яратишни тушунмаслиги мумкин (13).

Ҳуқуқий салоҳият

“Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция”нинг 12-моддасида қайд этилишича, “аъзо давлатлар ИЧШларнинг бошқалар билан тенг равишда ҳаётнинг турли жабҳаларида ҳуқуқий салоҳиятга эгаллигини эътироф этади” (2). ИЧШларнинг аксарияти ҳуқуқий салоҳиятидан фойдалана олмайди, масалан, уларга суд жараёнида иштирок этиш ва судда гувоҳлик бериш имконияти берилмайди. Бунинг сабаби эса шундан иборатки, кўпчилик орасида ИЧШлар бунинг уддасидан чиқмайди, деган фикр мавжуд. Конвенцияда, шунингдек, ИЧШларнинг баъзиларига ҳуқуқий салоҳиятдан фойдаланиш учун ёрдам талаб қилиниши қайд этилади. ИЧШни ёрдам олган ҳолда ўз салоҳиятидан фойдаланишининг турли шакллари бўлиши мумкин. Масалан: ёрдамчи ИЧШнинг тилакларини бошқаларга билдиради ёки унга имкониятларни тушунтиради; ёрдамчи, шунингдек, оғир ИЧ ҳолатидаги инсон ҳам ўз тарихи, қизиқишлари, ҳаётдаги мақсадига эгаллиги ва ҳуқуқий салоҳиятдан фойдалана олишини бошқалар ҳам тушунишида ёрдам бериши мумкин (17).

Адолатга эришишни қўллаб-қувватлаш

Ҳуқуқий ҳимоя

ИЧШларнинг ҳуқуқлари миллий конституция, қонунчилик ва сиёсий дастурларда эътироф этилиши лозим. Бу ҳуқуқлар тан олинганидан кейин, судлар, маъмурий органлар, трибунал ва айрим ҳолларда инсон ҳуқуқлари институтлари ИЧШларнинг ҳуқуқларини бузилиши ҳолларида ечимлар таклиф эта оладилар. Ечим шакли содир этилган қонунбузарликка қараб белгиланади. Масалан: мактабда ўқувчини қабул қилиш, давлат биносида қулайлик яратиш талаб қилинади; ходимини камситган иш берувчига жарима солинади; тиббиёт ходимларини суғурта карточкасини беришга

мажбур қилиниши, зўравонлик содир этган одамни жиноий жазога тортилиши талаб этилади.

Норасмий механизмлар – адолатсизлик ҳолатига жамоат доирасида чек қўйиш мумкин. Ҳуқуқий ҳимоянинг норасмий механизмларидан диний ва тараққиёт ташкилотлари, жамоат оқсоқоллари, қишлоқ етакчилари, касаба уюшмалари ва кооперативлар, таълим ва тиббиёт соҳаси ходимлари, ижтимоий соҳа ходимлари ва оила раҳбарлари орқали фойдаланиш мумкин.

28-ЛАВҲА

Ҳиндистон

Норасмий йўл адолатни тиклади

Ҳиндистоннинг Орисса шаҳрида моховлар билан ишлайдиган ЖАР дастури оқсоқоллар ва диний етакчиларни бир муаммо ечимига жалб этишга қарор қилди. Муаммо шундан иборат эдики, мохов билан оғриган бир эркак уйи ва қишлоғини тарк этишга мажбурланган. Масала бафуржа муҳокама қилинган, шундай ечим топилди: эркак диний “қайта номланиш” ва “қайта туғилиш” маросимидан сўнг оиласига қайтиб жамоат ҳаётида яна фаол иштирок эта бошлади.

Расмий механизмлар – агар норасмий механизмлар орқали адолат топиб бўлмаса, ҳуқуқий ҳимоянинг расмий механизмлари ишга тушади, яъни иш судда кўрилади. Қиммат ва секин бўлгани ҳамда профессионал ҳуқуқий маслаҳат талаб қилгани сабабли одатда бу энг охири восита бўлади. Кам ривожланган мамлакатларда яшовчи ИЧШлар бу воситадан бепул ҳуқуқий хизмат кўрсатадиган марказлар ёки инсон ҳуқуқлари, ИЧ ёки тараққиёт ташкилотлари ёрдамида фойдаланиши мумкин. Ишни суд орқали ҳал этиш қарорини ишга алоқаси бўлган одам ёки гуруҳ қабул қилиши лозим.



Бепул ҳуқуқий хизмат орқали адолатга эришиш

Филиппин пойтахти Манилада жойлашган катта бир банк ходимлари орасида пул санаш билан шуғулланадиган, эшитиш қ о б и л и я т и чекланган ходимлар кўп эди. Бироқ банк пул санаш машиналарини сотиб олганида, ходимлар ишдан бўшатилади. Собиқ ходимлар Филиппин ИЧШлар ташкилотларининг миллий федерацияси “КАМРІ” ёрдамида бир гуруҳ адвокатларга мурожаат қилдилар ва ушбу ҳуқуқшунослар бепул хизмат кўрсатишга рози бўлдилар. Бир неча йил ўтгач, Филиппин Олий суди камситишни таъқиқловчи миллий қонунга асосланиб ҳукм чиқарди. Унга кўра, ишдан бўшатиш ҳақидаги қарор ноқонуний ва камситувчи бўлган. Банк, ходимларнинг ишдан бўшатишгидан буён ўтган вақт учун маошини тўлаши ва ишга қайта тиклаши ҳақида суд қарор чиқарди. Эски ишига қайтишни хоҳламаган ИЧШлар компенсация пулини хусусий бизнес бошлаш учун сарфлашга қарор қилдилар.

Ҳуқуқий саводхонлик

Ҳуқуқий билим ва хабардорлик, адолатсизликка қарши кураш пойдеворидир. ИЧШлар қонунлар ва ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмасалар, адолатсизликка қарши кураша олмайдилар (18). ИЧШлар ва уларнинг оила аъзолари тегишли қонунни билса, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олади ва бошқаларнинг ҳам ҳуқуқлари бузилишига қарши кураша оладилар.

Ҳуқуқий ёрдам

Расмий ҳуқуқий жараён билан боғлиқ харажатлар юқори бўлгани боис, одамлар адолатга эришиш ҳаракатларидан воз кечишлари мумкин. Ҳуқуқий ёрдам заиф гуруҳлар, шу жумладан, ИЧШларга адолатга эришишда ёрдам беради (18). Ҳуқуқий ёрдам схемалари орқали маблағ ва кўмак ажратилади. Масалан: одамларга ҳуқуқий муаммолар юзасидан маслаҳат берилади; ўз ҳуқуқлари ва қонунларни тушунишда, судда иштирок этишда ёрдам кўрсатилади. Одатда ҳуқуқий ёрдамни давлат таъминлаши керак, бироқ давлат ўз мажбуриятларини бажариш учун етарли қудратга эга бўлмаса, ёрдам нодавлат ташкилотлар томонидан кўрсатилиши мумкин (18).

Жамоат ҳуқуқий марказлари

Бепул ҳуқуқий ёрдам ололмайдиган ва маблағи чекланган одамларга, ҳуқуқий хизматни жамоат ҳуқуқий марказлари (ЖҲМ) ва юридик таълим муассасалари қошида тузилган юридик клиникалар кўрсатади. ЖҲМлар одатда турли ҳуқуқий хизматлар кўрсатадиган кичик нотижорат ташкилотлари бўлиб, улар муҳим ресурс бўлиши мумкин. Улар маслаҳат бериш ва ёрдам кўрсатиш, йўлланма бериш, заруриятга қараб, судда вакиллик қилиш ва ҳуқуқий масалаларга оид маълумот бериш билан шуғулланади. Улар, шунингдек, хабардорликни ошириш, ҳуқуқий масалаларда жамоатнинг саводхонлигини ошириш, сиёсатга таъсир кўрсатиш ва сиёсий дастур, режалар ишлаб чиқиш (масалан, адолатли ҳуқуқий тизимни яратишни илгари суриш),

ҳуқуқий жараён ва маъмуриятни ислоҳ қилишда муҳим роль ўйнайди. Жамоат ҳуқуқий марказлари одатда хизматларни кўнгиллилар ёрдамида кўрсатади. Шунинг учун “жамоатчилик” деганида бепул иш вақти, ҳуқуқшунослар, талабалар ва бошқаларнинг маслаҳати ҳамда амалиёти тушунилади. Марказлар хусусий адвокатлар билан бирга ишлаши, масалан, хусусий адвокатлардан вақти-вақти билан бепул ишлашни сўраши, университетларнинг юридик факультетлари билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

30-ЛАВҲА

Эквадор

Болаларни мактабга қайтаришда ёрдамлашиш

Эквадорнинг Квито шаҳрида кичик бир қизни ота-онаси тиланчилик қилишга мажбур қилгани сабабли у мактабда ўқий олмаган. Қизнинг бувиси бундан ташвишланиб, оила билан муаммони муҳокама қилди. Бироқ ҳеч нарсага эришолмай, ЖАР дастурига мурожаат қилишга қарор қилди. ЖАР дастури, қизнинг расмий қаровчиси бўлиш ҳуқуқини қўлга киритишда бувига ёрдам берди. Дастур ҳуқуқий ёрдам жамиятига мурожаат қилиб, бувига маслаҳат ва ёрдам беришни сўради. Ҳуқуқшунослар масалани ўрганиб, ишни ютиб чиқди. Қиз эса ҳозир мактабда ўқиётганидан хурсанд.

Таклиф этиладиган фаолиятлар

ЖАР дастурлари, ИЧШларнинг ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа иштирокчилари билан ҳамкорликда, ИЧШларни адолатга эришишида уларга ёрдам бериш мақсадида фаолият юритади.

Маҳаллий хусусиятларни тушуниш

ИЧШларни адолатга эришишида самарали ёрдам бериш учун ЖАР дастурлари маҳаллий хусусиятларни яхши тушуниши лозим. Дастурларга қуйидагилар тавсия этилади

- қонунчиликка (умумий ва ИЧ ҳақидаги қонунлар) оид саводхонликни ошириш - ИЧШлар ташкилотлари ва ҳуқуқий ёрдам хизматлари ЖАР ходимларига қонунларни тушунишда ёрдам бериши мумкин;
- қонунлар қандай ишлашини тушуниш – маҳаллий ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, масалан, полиция, ЖАР ходимларига жиноят ҳақида ҳуқуқ-тартибот органларига қандай қилиб хабар бериш, қурбон ва гувоҳлар учун қайси ҳимоя воситалари мавжудлигини аниқлашда ёрдам бериши мумкин;
- ИЧШларни адолатга эришишида ёрдам берадиган маҳаллий ресурсларни (расмий ва норасмий) аниқлаш. Масалан: маҳаллий раҳбарлар (ҳокимият, қишлоқ раҳбарлари, жамоат оқсоқоллари ва диний етакчилар), ўқитувчилар, ИЧШлар ташкилотлари, тиббиёт соҳаси ходимлари, уюшмалар ва кооперативлар, ҳуқуқ-тартибот органлари ва суд ходимлари, ҳуқуқий ёрдам хизматлари ва маҳаллий ҳуқуқий марказлар.

Тегишли манфаатдор томонлар билан ҳамкорлик тармоқларини тузиш ва ҳамкорликни ривожлантириш

ЖАР дастурлари ИЧШлар ташкилотлари ва ўзаро ёрдам гуруҳлари билан бир қаторда жамоатнинг обрўли аъзолари ва мавқега эга жамоалари билан алоқа ўрнатиб, уларни ИЧШларга нисбатан адолатсизлик ва ноқонуний ҳаракатларга қарши курашишга чорлаши керак.

Ҳуқуқлар тўғрисидаги саводхонликни ошириш

Ҳуқуқий саводхонликни ошириш стратегияларини ЖАР дастурлари бажариши мумкин. Улар бу борада қуйидагиларни амалга ошира олади:

- ИЧШлар ва уларнинг оилалари ўз ҳуқуқларини яхши билишини таъминлаш мақсадида ИЧШлар ташкилотлари билан ишлаш;
- ИЧШларнинг ҳуқуқлари ва бу ҳуқуқлардан фойдаланишга доир маълумотларни тушунарли ва қулай шаклда тайёрлаб тарқатиш;
- ИЧШлар ташкилотлари, инсон ҳуқуқлари ташкилотлари ва ўзаро ёрдам гуруҳлари билан бир қаторда хабардорликни оширишга қаратилган тадбирларда қатнашиш;
- ИЧШлар ташкилотлари ва инсон ҳуқуқлари ташкилотларини, жамоат ва туман миқёсидаги қарорларни қабул қилувчи, масалан, ҳуқуқ-тартибот органлари ва суд ходимлари, ҳуқуқшунослар, тиббиёт соҳаси ходимлари, ўқитувчилар, диний етакчилар ва тадбиркорлар учун ИЧ бўйича тренинглار ташкил этишда қўллаб-қувватлаш.



Қонуний ҳуқуқ ва қудратни оширишни тарғиб қилиш

Жазоир пойтахти Аддис-Абабанинг Ека шаҳридаги “Handicap International” ташкилотининг, Жазоир интуллектуал ИЧШлар миллий уюшмаси ва Жазоир адвокатлар бирлашмаси томонидан уч йилдан буён амалга оширилаётган синов лойиҳаси, ИЧШларнинг қонуний ҳуқуқлари ва қудратини оширишга, хусусан уларнинг жинсий зўравонлик ва ОИТ/ОИТСга қарши курашига бағишланган.

ИЧШлар ва жинсий зўравонликка бағишланган тадқиқот шуни кўрсатганки, сўровда иштирок этганларнинг 46 фоизи жинсий тажовуз қурбони бўлган, 83,5 фоизи жинсий тенглик бўйича таълим олишда ҳеч қандай имкониятга эга бўлмаган, яна 88,3 фоизи жинсий алоқалар, репродуктив саломатлик бўйича маълумотга эга бўлмаган ёки бундай маълумотни сўраганида, рад жавобини олган. Алоҳида одамлар ва мақсадли гуруҳлар билан ўтказилган суҳбатлар натижасида, сўров натижаларига ойдинлик киритилган ва янги далиллар келтирилган. Натижада зўравонликка қарши курашни қайси йўллар билан олиб бориш кераклиги аён бўлган.

Лойиҳа доирасида, шунингдек, Жазоир қонунчилиги таҳлил этилди, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, фуқаролик жамияти ва жамоат аъзолари учун тренинглари уюштирилиб, йўлланма бериш тизими ишлаб чиқилди; содда шаклда йўлланма қўлланмаси чоп этилди; ҳуқуқлари топталган одамларга бепул руҳий ва ҳуқуқий маслаҳат бериш ва судда улар номидан вакиллик қилишга келишилди.

Тегишли вазиятларда норасмий механизмлардан фойдаланиш имкониятини яратиш

Расмий ҳуқуқий жараён ҳар доим ҳам энг мақбул механизм бўлавермайди. Кўпгина ҳолларда норасмий механизмлар самаралироқ, арзонроқ бўлиши, камроқ вақт талаб қилиши ва жамоат аъзолари учун қулайроқ бўлиши мумкин. ЖАР дастурлари адолатга эришишнинг норасмий методларидан фойдаланиш имкониятини куйидаги йўллар билан таъминлаши мумкин:

- маҳаллий мактабларни ногирон болаларни қабул қилишга ундаш;
- маҳаллий ва диний етакчиларга оилавий можаролар, масалан, иккиси ҳам ёки бири ИЧШ бўлганларни турмуш қуриш ҳуқуқи устидаги можарога аралашиб, ёрдам беришни сўраш;
- фермер хўжаликлари билан ҳамкорлик орқали имконияти чекланган фермерларнинг умумий ресурслардан фойдалана олишини таъминлаш
- банклар билан ҳамкорлик қилиб, имконияти чекланган мижозларнинг банк ҳисоб рақамларини очиш ва банкдан кредит олиш имкониятлари билан таъминлаш;



- жамоатнинг эшитиш қобилияти чекланган аъзоларини тиббий ёрдамдан фойдалана олиши мақсадида маҳаллий шифокорни имо-ишора тили таржимони билан таъминлаш
- қабила раҳбарлари, диний етакчилар ва оила раҳбарлари билан ҳамкорликда ИЧШларнинг мерос ҳуқуқидан фойдалана олишини таъминлаш.

Жамоат тармоқлари орқали адолатга эришиш

Ганалик бир киши кўзи ожиз қизи билан яшарди. Касалликка чалиниб, ётиб қолганида, қиз тўрт йил давомида отасига қаради. У вафот этганидан кейин қариндошлари барча мулкни тортиб олиб, қизга уйдан ҳайдаймиз, деб таҳдид қилдилар. Қиз ҳуқуқий маслаҳат учун жамоат ёрдам тармоқларига мурожаат қилди. Натижада у отасининг нафақа тўловларини ола бошлади, отанинг мол-мулки унга қайтарилди, кўчмас мулкка (уйга) ҳам тўла эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Заруриятга қараб қонуний ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш

ЖАР дастурлари учун қуйидагилар катта аҳамиятга эга:

- ҳуқуқий жамоанинг ишончли аъзолари билан мустаҳкам муносабат ва ҳамкорлик ўрнатиш;
- камситишнинг турли кўринишларига қарши курашиш учун қайси қонунлардан фойдаланиш кераклиги (масалан, маҳаллий келишувлар, миллий қонунлар ёки халқаро битим ва конвенциялар) юзасидан ҳуқуқий маслаҳат олиш;
- ИЧШнинг қонуний ҳаракат бошлаш ҳақидаги қарорини ҳурмат қилиш;
- ҳуқуқий ҳаракат бошлашнинг хавфли оқибатларини кўриб чиқиш ва эътиборга олиш (масалан, вақт, нарх, хавфсизлик, айниқса, ҳимоя қилиш механизмлари йўқ жойларда);
- ҳуқуқий ҳаракатларни бошлаган ИЧШлар ва уларнинг оила аъзоларини жараёнда иштирок этиши ва хавфли оқибатлардан хабардор эканини кафолатлаш;
- жамоатнинг камбағал аъзоларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатадиган ташкилотлар (масалан, маҳаллий ёки қонуний ёрдам марказлари, ҳуқуқшунослар уюшмалари, халқаро инсон ҳуқуқлари ва тараққиёт ташкилотлари) орасида саводхонликни ошириш ва улар билан ҳамкорлик қилиш.

Адолат учун муваффақиятли кураш

Непал ИЧШлар ташкилоти Непал давлатини судга берди. Ташкилот фикрича, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга кўра, Брайль ёрдамида ўқийдиган мактаб битирувчиларидан, якуний тестларни бошқалар билан бир қаторда ва барчага берилган вақт ичида топширишини талаб қилиш камситиш ҳисобланади. Иш Олий судда кўрилди. Ташкилот судда ютиб чиқди. Натижада, Брайльдан фойдаланувчи ўқувчиларга тест пайтида қўшимча 30 дақиқа вақт бериладиган бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Dhunagna BM. *The lives of disabled women in Nepal: vulnerability without support*. Master's thesis, Asian Institute of Technology, Thailand, 2003.
2. *Convention on the Rights of Persons with Disabilities*. United Nations, 2006 (www.un.org/disabilities/convention/conventionfull.shtml, accessed 16 June 2010).
3. *World report on disability*. Geneva, World Health Organization, 2010 (in press).
4. Mabangwe JP. *Disability to become a parent and enjoy the benefit of parenthood in the community*. Community based rehabilitation, Africa network (www.afri-can.org/MA%20DISABILITY%20AND%20PARENTHOOD.php, accessed 17 June 2010).
5. Limaye S. Sexuality and women with sensory disabilities. In: Hans A, Patri A, eds. *Women, disability and identity*. London, Sage Publications, 2003.
6. *The right to health* (Fact Sheet No. 31). Geneva, Office of the United Nations High Commissioner for Human Rights, 2008 (www.ohchr.org/Documents/Publications/Factsheet31.pdf, accessed 16 June 2010).
7. *Giving voice to the voiceless. A communicating for advocacy learning publication*. Cambodia Health Education Media Services (CHEMS), Cambodia, Healthlink Worldwide, HealthAction Information Network (HAIN), the Philippines, Social Assistance and Rehabilitation for the Physically Vulnerable (SARPV), Bangladesh, 2007 (www.healthlink.org.uk/PDFs/cfalearningpublication.pdf, accessed 17 June 2010).
8. *Singer-songwriter Stevie Wonder designated UN Messenger of Peace*. UN News centre, 2009 (www.un.org/apps/news/story.asp?NewsID=33118&Cr=disable&Cr1=, accessed 17 June 2010).
9. *From the field: sport for development and peace in action*. Sport for Development and Peace International Working Group, 2007 (www.righttoplay.com/International/news-and-media/Documents/Policy%20Reports%20docs/From_the_Field_Full_Doc_Web.pdf, accessed 16 June 2010).
10. Kidd, B. A new social movement: Sport for development and peace. *Sport in Society*, 2008, 11:370–380.
11. *Fun inclusive: sports and games as means of rehabilitation, interaction and integration for children and young people with disabilities*. Handicap International, Gesellschaft für Technische Zusammenarbeit GmbH (gtz), Medico International, 2008 (www.sportanddev.org/learnmore/?uNewsID=12, accessed June 2010).

12. *Sport, recreation and play*. UNICEF, 2004 (www.unicef.org/publications/index_23560.html, accessed 16 June 2010).
13. Lord JE, Guernsey KN, Balfe JM, Karr VL, Flowers N (eds). *Human rights. Yes! Action and advocacy on the human rights of persons with disabilities*. University of Minnesota Human Rights Resource Center, 2007 (www1.umn.edu/humanrts/edumat/hreduseries/TB6/pdfs/Manuals/final_pdf_default_withcover.pdf).
14. Universal Declaration of Human Rights, 1948 (www.ohchr.org/en/udhr/pages/introduction.aspx, accessed 8 August 2010).
15. *Programming for justice: access for all: a practitioner's guide to a human rights-based approach to access to justice*. United Nations Development Programme, Bangkok, 2005 (http://hrbportal.org/wp-content/files/1233230279_8_1_1_resfile.pdf, accessed 8 August 2010).
16. *Access to Justice and Rule of Law*. United Nations Development Programme (www.undp.org/governance/focus_justice_law.shtml, accessed 8 August 2010).
17. Chapter six: from provisions to practice: implementing the Convention: legal capacity and supported decision-making. In: *Handbook for parliamentarians on the Convention on the Rights of Persons with Disabilities*. UN Enable (www.un.org/disabilities/default.asp?id=212), accessed 1 July 2010).
18. *Access to justice: practice note*. United Nations Development Programme, 2004, (www.undp.org/governance/docs/Justice_PN_English.pdf, accessed 16 June 2010).

Ўқиш учун тавсиялар

Griffo G, Ortali F, eds. *Training manual on the human rights of persons with disabilities*. Bologna, AIFO, 2007 (www.aifo.it/english/resources/online/books/cbr/manual_human_rights-disability-eng07.pdf, accessed 16 June 2010).

International Committee of Sports for the Deaf: www.deaflympics.com (accessed 16 June 2010).

International Sports Federation for People with Intellectual Disability: www.inas-fid.org (accessed 16 June 2010).

International Paralympic Committee: www.paralympic.org (accessed 16 June 2010).

Harnessing the power of sport for development and peace: recommendations to governments. Right to Play, 2008 (www.righttoplay.com/International/news-and-media/Documents/Final%20Report%20revised%202010.pdf, accessed 16 June 2010).

Special Olympics International: www.specialolympics.org (accessed 16 June 2010).

Thomas M, Thomas MJ. *Addressing concerns of women with disabilities in CBR*. UN ESCAP Workshop on Women and Disability. Bangkok: Thailand, 2003 (www.worldenable.net/wadbangkok2003/paperthomas.htm, accessed 17 June 2010).

UNESCAP. *Focus on ability, celebrate diversity: highlights of the Asian and Pacific Decade of Disabled Persons, 1993–2002*. Social Policy Paper No. 13, 2003 (www.unescap.org/esid/psis/publications/spps/13/Focus-T.pdf, accessed 16 June 2010).

United Nations Sport for Development and Peace: www.un.org/themes/sport/ (accessed 16 June 2010).

